O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 1- iyun, chorshanba * № 22 (981) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

### ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ — НАСЛЛАР САЛОМАТЛИГИ

**Оналик ва болалик муҳофазаси, аҳоли тиббий маданияти ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини яхшилаш борасида ҳам юртимизда салмоқли ишлар қилинаётир.**




⇨ 3-бет

### БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ОЛАМИ

**Мамлакатимизда болаларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларни халқаро миқёсда тарғиб этиш, конференциялар ўтказиш зарурати пайдо бўлмоқда. Токи, дунё болалари ҳам мамлакатимиздаги каби тинч ва фаровон ҳаёт кечиришсин, комил инсонлар бўлиб етишсин.**



⇨ 5-бет

### ОПА

**Машина эндигина икки-уч метр юрганида она қўлини безовта силтаб машинани тўхтатишни илтимос қилди ва тез-тез юриб келиб, эшикни очиб Заргулга жовдираб қаради, астагина, хафа бўлмай кетгин-да, болам, хафа бўлмай кет, деди.**



⇨ 6-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

**25 май куни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги таълим масканларида "Замонавий билимлар билан замонавий касб-ҳунарга эга бўламиз" шиори остида "Хайр, мактаб, салом, коллеж!" тадбирлари ўтказилди.**

26—29 май кунлари Фарғона шаҳрида олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада — 2016" спорт ўйинлари республика босқичи ўтказилди.

**27 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Универсиада — 2016" спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табриги матбуотда эълон қилинди.**

27 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида" ги қарори матбуотда эълон қилинди.

**Испаниянинг Валенция шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги халқаро ҳамкорлик мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Пойтахтимизда "Давлат органлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.






Ф.Абдурасулов (ЎзА) олган сурат





# БОЛАЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

**1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ**

Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли ҳарбий шаҳарчада қайта реконструкция қилинган икки қаватли мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари, Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Б.Тошматов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, Ватанимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига зарур шароитлар яратиш, ҳар томонлама замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

"Термиз-Бойсун-Қурилиш" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан таъмирланган муассаса қурилишига 1 миллиард 380 миллион сўм маблағ сарфланди. Янги ошхона, болалар спорт майдончаси қурилди. Алоҳида ювиниш хоналари бунёд этилиб, мусиқа хонаси, болалар спорт зали тубдан таъмирланди. Замонавий мебель, телевизор, мусиқа асбоблари, ранг-баранг ўйинчоқлар билан жиҳозланди.

Мактабгача таълим муассасаси 115 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда меҳнат қилаётган ўттизга яқин ходимнинг кўпчилиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларидир.

— Ҳарбий шаҳарчада истиқомат қиламиз, — дейди шартнома бўйича хизмат қилаётган сержант Олчинбек Ҳамроевнинг турмуш ўртоғи Висола Мамедова. — Икки нафар ўғлимиз бор. Мен тумандаги 5-умумтаълим мактабида ёшларга биология фанидан дарс бераман. Мактабгача таълим муассасасининг замонавий тарзда реконструкция қилингани болаларимизга чинакам байрам туҳфаси бўлди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар учун Президентимиздан миннатдормиз.

Тадбирда Ватан, тинчлик, садоқат ва ёшликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради. Сурхондарё вилояти қўғирчоқ театри жамоаси томонидан намойиш этилган саҳна асари болаларга бир олам завқ бағишлади.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

## БУЮК ЎЗГАРИШЛАР, МАЪНАВИЙ ЭВРИЛИШЛАР ДАВРИ

"Мустақиллик" сўзини "нон" ёки "сув" сўзлари каби ҳар куни ишлатишимиз оддий ҳолга айланиб қолган. Нон ва сув сўзларини ҳар куни ишлатамиз. Ҳолбуки, уларнинг мазмун-моҳияти бир дунё. Инсон яшаши ва шунинг баробарида ўзлигини англаши, аждодлар руҳини ўзида намоён этиши, муносиб авлодлар қолдириши, яъни ҳаёт бардавомлигини таъминлашда ҳаводек зарур бўлган сир-синоатлардан иборат.

Мустақиллик даври нафақат нонимиз, сувимиз, олаётган нафасимиз, балки соғлигимиз, таълим олишимиз, маънавий ва жисмоний камолотимиз — умуман яшаш тарзимизга бўлган муносабатимизни ўзгартириб юборди. Биз ўзи киммиз, кимларнинг авлодларимиз деган саволни қўйишимиз ва унга жавоб излашимизга замин яратди. Мустақиллик бизни қайта тарбиялади. Ўзлигимизни танитди.

Тарихнинг гувоҳлик беришича халқимиз ҳамиша олға интилиб яшаган. Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал шиори бўлган. Унга яна яратувчилик хусусияти ҳам хос. Шу сабабданки, илму фанда юксак натижаларга эришган. Дунё илмининг пойдеворлари шу ерда яратилган ва бугунги кунда ҳечам аҳамиятини йўқотган эмас. Деҳқончиликми, чорвачилик деysизми, булар аҳолимизнинг кундалик турмушининг асосини ташкил этган бўлса-да, савдо, тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти билан Шарқу Ғарб, Жанубу Шимолни боғлаган.

Ҳудудларда ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари ривожланган. Бугунги кунда уларнинг нуфузи ва аҳамияти нафақат жамиятимиз, балки халқаро майдонда ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда. Аслида олдинги замонларда ҳам шундай бўлган. Мустақиллик йилларида яратиб берилган шароитлар эса уларнинг гуркираб ўсишига қайта замин яратди.

Халқимиз тарихида аянчли бир даврлар ҳам кузатиладики, афсуски, ўзаро келишмовчиликлар, эл-улус ўртасидаги қирғинбаротлар, маҳаллийчилик туфайли инқирозга юз тутиб, кимларгадир муте бўлиб қолган даврлар ҳам бўлган. Оқибатда тили ва динидан мосуво даврларни бошидан кечирди.

2

*Ҳурматли муштарийлар,*

**2016 йилнинг келгуси ойлари учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www.uzhurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.**

**"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!**



# Тафаккур калити

**ТАФСИЛОТ**

Китоб – тафаккур калити, инсоният тўплаган ҳикматлар хазинаси. Усиз илму-маърифатга эришишни, илмий маърифатсиз эса тўкис жамият қуришни тасаввур қилиб бўлмайди. Дунё экспертларининг маълумотларига қараганда, жаҳон бўйича китобхонлик даражаси пасайиб бораётир. Бунинг ўз объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта.

Бундай бир пайтда мамлакатимизда китоб байрамлари, китоб ҳафталиклари ўтказилишининг анъанага айланганини айни муддаодир. Инсоннинг билими, маънавий камолоти ана шу воситага боғлиқ экан, китобхонлик анъаналарини ривожлантириш, айниқса, ёшлар ўртасида мутолаа маданиятини шакллантириш худди шундай тадбирлар орқали амалга оширилади.

Жорий йилда ҳам ушбу анъанага кўра, 26—28 май кунлари Республика "Китоб байрами" ўтказилди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигидаги ушбу тадбир Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳам ташкил этилди. Унда 150 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари иштирок этди.

"Китоб байрами"нинг бош очилиш маросими 26 май куни соат 10.00да Тошкент шаҳри Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди.

Карнай-сурнай садолари остида муҳташам боққа йиғилган китобхонлар ҳақиқий байрам ҳиссини туйдилар. Ташкилотчилар аҳоли, айниқса, ёш авлод маънавий камолоти учун мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида гапириб, йиғилганларни қутлагач, асосий тадбирлар бошланди. Байрамга таклиф этилган фахрий меҳмонлар нашриётлар кўргазмалари билан танишдилар. Истироҳат боғининг бош саҳнасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасига қарашли гуруҳлар, санъаткорлар, танловлар ғолиблари ва ёш иқтидор соҳибларининг куй-қўшиқлари, Республика Чолғу оркестри ижросидаги миллий мумтоз мусиқа намуналари байрам қатнашчиларига маданий ҳордиқ улашди.

Куннинг иккинчи ярмида тадбирнинг "Китобсеварларни қутлаймиз!" бадиий қисми бошланди. Боғнинг икки саҳнасида Республика ёш томошабинлар театри ва Республика қўғирчоқ театри ижодкорлари, турли болалар санъат гуруҳларининг чиқишлари кичик китобхонларга завқ бағишлади.

Кўргазмаларда эса илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий, болалар ва ўсмирларга мўлжалланган китобларни томоша қиларкансиз, бугунги китобхонда танлаш имкони ниҳоятда кенг,ноширлар ва матбаачиларнинг ижодий имкониятлари ва техник салоҳиятлари юқори эканига ишонч ҳосил қиласиз.

2

ТАРАҚҚИЁТ

**Бугун алоқа воситаларисиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Улар жамиятнинг "қон томирилари"га айланиб улгурди. Айниқса, интернет жаҳон алоқа тизимида буткул бурилиш ясади.**

**Ахборот-коммуникация технологиялари кейинги ўн йилликларда жаҳон тараққиётини белгилаб берди. Хусусан, мамлакатимизда ҳам компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.**

# ТЕЗ, СИФАТЛИ ВА САМАРАЛИ

Шу кунларда юртимизда 20 миллиондан ортиқ мобиль алоқа абонентлари ва 12 миллиондан ортиқ интернет-фойдаланувчилар бўлиб, улар миллионлаб дақиқа мулоқот қилади, электрон хатларни қабул қилади ва жўнатади, рақамли телекўрсатувларини томоша қилади. Бу хизматлар ортида кимларнинг меҳнати ётгани ҳамиша ҳам хаёлимизга келавермайди.

Истиқлолгача бўлган даврда мамлакатимизнинг барча магистрал ва зона ичидаги тармоқлари мис кабеллар ва ҳаво алоқа линиялари асосида ташкил этилган бўлиб, шаҳарлараро ва маҳаллий телефон станциялари декадо-қадамли, координатли ва квазиэлектрон эди. Тошкент шаҳрида ягона электрон тизим – 2267 та каналга АХЕ-10 типидаги АМТС амал қилар, республикада халқаро алоқалар Москва халқаро станцияси орқали ташкил этиларди. Автоматик




алоқа ва каналлари имконияти чекланганди. Йўлдошли алоқа 1980 йилда фойдаланишга киритилган «Азимут» йўлдош алоқаси станцияси орқали амалга оширилар, станция томонидан Москвадан икки телевизион канал, 10 та радиоканал эшиттиришлари узатилар ҳамда бор-йўғи 90 та телефон каналини қабул қилиш имконияти бор эди, холос.

Истиқлол даврида алоқа соҳаси катта йўлни босиб ўтди. Яъни қолоқ алоқа тизими бугунги кунга келиб, ахборот технологиялари ва коммуникациялари тараққиёти билан ҳамқадам равишда телекоммуникация тармоқларида янги энг сўнгги авлод NGN ва MPLS ускуналарига ўтди. АТС рақамлаштириш даражаси эса 100 фоизни ташкил этиб, мамлакатимизнинг барча аҳоли пунктлари, жумладан, энг олис ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудлар ҳам ишончли ва симсиз алоқа билан таъминланди.

Бу каби натижаларга эришишда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг муносиб улуши бор. У республикамиз ҳудудини ўз тармоқлари билан қамраб олган йирик телекоммуникациялар оператори ҳисобланади. Компания мутлоқ ва мобиль алоқа операторлари ҳамда провайдерларга каналларни ижарага бериш, халқаро ва шаҳарлараро алоқа хизматлари, овозли алоқа ва маълумотлар узатиш хизматининг барча турларини, Интернет тармоғидан фойдаланиш, видеоконференцалоқа хизматларини, CDMA-450 стандартидаги мобиль алоқа хизматларини кўрсатади, телевизион ва радиоэшиттириш учун каналларини ташкил этади.

Бугунги кунда компаниянинг бозордаги хизматлари тўртта бўлиб, UZTELECOM™, UZMOBILE™, UZONLINE™ ва TELECOM TV™ савдо белгилари остида хизмат кўрсатади. Бу тармоқлар ўз йўналиши бўйича аҳолига сифатли ва арзон хизматларни таклиф этиб келаётир. Шунингдек, компания таркибида 22 та филиал бўлиб, улардан 14 таси минтақавий, 8 таси ихтисослаштирилган ва 3 таси шўъба корхоналаридир. Соҳа корхоналари 20 турдан ортиқ энг замонавий ва инновацион, жумладан, қайд этилган ва мобиль алоқа, видеотелефония, интернет тармоғига уланиш, маълумотлар узатиш, видеоконференцалоқа, интернет-радио ва интернет-телевидение хизматларини кўрсатадилар.

– Алоқа тизими жаҳонда энг тез ривожланаётган соҳа ҳисобланади. Дунё билан ҳамнафас юриш эса биз алоқачиларнинг энг асосий вазифаларимиздан. Бугун алоқа тизимида тезлик муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам бизнинг олдимиздаги вазифа аҳолига тезкор ва сифатли хизматларни кўрсатиш. Бугунги кунда «Ўзбектелеком» АК томонидан замонавий АКТ технологиялари базасида миллий телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантиришга, тармоқларнинг жаҳон телекоммуникация тизимларига чуқур интеграциясини таъминловчи ва мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда аҳолисининг замонавий алоқа хизматларига бўлган талабларини ҳар томонлама қониқтиришга йўналтирилган бир қатор стратегик лойиҳаларни амалга оширмоқда, – дейди компания Телекоммуникация тармоқларини истиқболли ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тимур Машанпин. – Жумладан, 2015 йилда, интернет тармоғига юқори тезликдаги кенг поласали уланиш ва мавжуд тармоқларни захиралаш мақсадида республика бўйича канал ҳосил қилувчи ускуналарни ўрнатиш орқали 1800 километрдан ортиқ ОТАЛ, жумладан, FTTЬ технологияси бўйича тармоқларни ривожлантириш 4 000 дан ортиқ маъмурий ва тураржой объектларига 105 116 портлар қурилиш ишлари бажарилди. Жаҳон стандартлари ва бозор талабларига асосан, ягона мувофиқлаштирилган вақт тизимини жорий этиш йўли билан тактли тармоқ синхронизацияси тармоқларини модернизация қилиш лойиҳаси якунланиш арафасида. Бу лойиҳалар тугаллангач компаниянинг барча рақамли телекоммуникация тармоқлари ишининг синхронлашувини таъминлашга, шунингдек, тармоқларни бирлаштириш, тармоқ ишидаги узилишлар ва хатоликларнинг камайишига имкон беради.

Маълумотларга кўра, компания томонидан «ТШТТ» филиали тармоқлари IP/MPLS ускуналарининг модернизацияси бўйича, янги DWDM транспорт тармоғи базасида тезликнинг магистрал даражасини 100 Гбит/с.гача кўтариш ишларини олиб борди. Янги тармоқ Тошкент шаҳридаги барча туманларни юқори тезликдаги оптик каналлар бўйича бирлаштирди. Мазкур лойиҳа маълумотлар узатиш магистрал тармоғини ўн марталаб кенгайтирди ва Тошкент шаҳридаги турли хизмат фойдаланувчиларининг ишончли ва юқори тезликда уланишларини таъминлади. Бу юқори тезликдаги интернет, видео-телефония, IP-TV, Telecom TV, HDTV каналларни томоша қилиш ва бошқа хизматларни тақдим этишнинг ривожланишига ёрдам беради. Шунингдек, янги авлод (NGN) технологияси бўйича халқаро коммутация марказларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ишлари – IMS/NGN базасида таянч тармоқ қурилиши, абонентларга сифатли сервис тақдим этиш мақсадида, мультимедиа трафикларини замонавий даражада маршрутизацияси ва коммутациясини амалга ошириш, тармоққа ташқи ташкилотлар (операторлар) уланиши имкониятига эга бўлиш ва уларга сервис хизматларининг кенг турларини тақдим этиш, янги технологиялардан фойдаланиш эвазига абонентлик базасини кенгайтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Тошкент – Бухоро участкасида 100 Гбит/с. тезликдаги DWDM янги линияси фойдаланишга топширилди. Шуни таъкидлаш зарурки, 100 Гбит/с.да ишлайдиган дастлабки тизим Марказий Осиё мамлакатларида амал қилмоқда. Мазкур тизимда когерент қабул қилиш ва коррекциялашнинг энг етакчи технологиялари қўлланилган бўлиб, 10 Гбит/с. тезликда ишлайдиган анъанавий DWDM тизимларидан анча фарқ қилади. Мазкур лойиҳа маълумотлар узатиш магистрал тармоқларини ўтказиш қобилиятини бир неча бор кенгайтиришга мўлжалланган бўлиб, мамлакатимиз интернет-хизматлари фойдаланувчиларини ишончли ҳамда юқори тезликда уланишларини таъминлайди.

Шунингдек, 2015 йилда мобиль алоқанинг 2G, 3G ва 4G авлод мобиль алоқа хизматларидан фойдаланиш имконини берувчи 1,6 миллион рақамли сиғимга эга коммутация станцияси ҳамда 960 база станцияларини ўрнатиш орқали «UZMOBILE» миллий мобиль алоқа оператори тармоғини яратиш ишлари ҳам амалга оширилди. Буларнинг барчаси аҳолига сифатли мобиль алоқа хизматини кўрсатиш учун қилинаётган эзгу амаллар саналади.

«Ўзбектелеком» АК томонидан Ўзбекистон Республикаси тарихий ва маданий мерос объектлари ҳудудида, жумладан, сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган: аэропорт, вокзал, йирик савдо марказлари, бозорлар, автостанциялар ва бошқа жойларда Wi-Fi тармоғини ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Мисол учун бу лойиҳада Wi-Fi тармоғи зонаси – Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг 441,8 минг $м^2$ дан ортиқ 25 та Wi-Fi зонаси объектини ўз ичига олади. Мазкур лойиҳа доирасида «Ўзбектелеком» АК томонидан «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан ҳамкорликда 2016 йилда Wi-Fi тармоқларини Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларида оператив кенгайтириш учун 40 та объект белгиланган. Бу тўлиқ якунланса, сайёҳларимиз учун яна бир қулайлик яратилган бўларди.

Компания умумий давлат аҳамиятига молик ва ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишга, «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, телекоммуникация инфраструктураларини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар бажариб келмоқда. Жумладан, «Электрон ҳукумат» тизими доирасида давлат хизматларининг самарадорлигини ошириш учун республикамиз 198 та вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари объектларига «Ўзбектелеком» АК алоқа боғламаларидан оптик алоқа каналларини ташкил этиш ишларини олиб бормоқда. Вазирлик ва идоралар, турли таълим масканлари объектлари тизимига уланиш ишлари олиб борилиб, юзлаб маълумотларни узатиш оптик толали алоқа линиялари каналлари ташкил этилди. Натижада ахборот алмашинуви тезлашиб, аҳолига бир қатор қулайликлар туғдириб, вақт тежамкорлигига эришилмоқда. Бу борада яна бир қатор лойиҳалар амлага оширилмоқдаки, у электрон ҳукумат тизимини шакллантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

ЮРТ КЕЛАЖАГИ – 2016

**Нукусда "Юрт келажаги" ижодкор ёшлар кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.**

## ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИ

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайиши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун замонавий шароит яратиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Танловнинг "Архитектура ва дизайн", "Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар", "Тасвирий ва амалий санъат", "Адабиёт ва журналистика" йўналишлари бўйича 11 номинацияда ўтказилган шаҳар ва туман босқичларида 4 мингдан зиёд ёшлар ўз истеъдодини синовдан ўтказди. Улар орасидан ғолибликни қўлга киритган 211 нафар ёш йигит-қиз танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида иштирок этди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир иштирокчиларининг ижодий ишлари таниқли санъат ва маданият ходимлари, ёзувчи-шоирлар, олим ва мутахассислар томонидан баҳолаб борилди.

– Ёшлигимдан миллий ҳунармандликка жуда қизиқаман, – дейди "Тасвирий ва амалий санъат" йўналиши ғолиби, Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти Нукус филиали талабаси Баҳром Ўтербоев. – Ҳозир институтда телевидение ва радиоэшиттиришлар режиссёрлиги йўналишида таҳсил олаётган бўлсам-да, халқимизнинг миллий амалий санъат намуналарини пухта ўрганмоқдаман.

Тадбирда барча йўналиш ва номинациялар бўйича энг иқтидорли ёшлар сараланиб, кўрик-танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# БУЮК ЎЗГАРИШЛАР,

Бошланиши 1-бетда

Миллий хусусиятларимизнинг асослари бўлган тилимизга эътибор, муқаддас динимиз арконларига амал қилишда эркинлик, уларни асраб-авайлаш, ривожлантириш, ўзимизга хослигимизни белгилайдиган каттага ҳурмат, кичикка иззат, таълимда устозга муносабат, тарбияда болага муносабат узоқ даврлардан шаклланиб келган қадриятларимиз измига тушди.

Шу маънода Мустақиллик даври халқимиз, унинг ҳар бир аъзоси тақдирида буюк ўзгаришлар, маънавий эврилишларни бошлаб берди. Ҳаётга муносабатимиз тубдан ўзгарди.

Мустақиллик даври, бу даврда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида гап бошланиб қолса, Қамаши тумани "Нуроний" жамғармаси раиси Жавли бува Очилов яйраб гапни илиб кетади:

— Зўр замонлар келди. Юрган эканмиз-да, юрагимизни ҳовучлаб, эртанги кундан ҳадиксираб. Қўрадаги молингни санарди. Тўртта мол қилсанг савол-жавобга тайёр бўлишинг керак. У замонларда хусусий мулк ёт тушунча эди-да. Ҳозир-чи, сурув-сурув мол қилганинг билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Марҳамат. Боғдорчиликка берилаётган эътиборни қаранг. Бир боғ яратиб, исмингга обод сўзини қўшиб юборсанг бўлди. Авлодларинг фойдаланишади, унутишмайди, энг муҳими, бизнинг бувалаимиз шундай ишларни қилганда бизнинг қаеримиз кам, деган мулоҳазага боришади. Мана гапнинг индаллоси қаерда, деб қўяди.

— Мен сизга бир гапни айтайми, — ён-атрофга қараб овозини пасайтиради оқсоқол. — Бундан йигирма беш йил бурун Ўзбекистонда мошина ишлаб чиқарилади, деб айтса ҳеч ким ишонмасди. Тўғриси, ўзим ҳам ишонмагандим. — Кейин қаддини тик тутиб, "Буни қаранг-а" деб салмоқлаб қўяркан қўшиб қўйди: — Биз худдики, машина Ўзбекистонда одам ота-ю, момо ҳаво давридан бошлаб ишлаб чиқарилгандек ҳисни туйиб қолдик. Қаранг-а, биринчи машина ишлаб чиқарилганига атиги йигирма йил тўлмоқда. Дунёдаги мана-ман деган мошиндан зўр бўлса зўр, лекин кам эмас.

Оқсоқолнинг овозини пасайтириб гапиргани сергак торттиради. Неча марта айтаман, раис бува, қўрқманг, у замонлар ўтиб кетган, баралла қўйиб гапираверинг. Гап етказадиган, бир оғиз туҳмат гапга қамайдиган, изсиз кетадиган даврлар ўтиб кетган. Ҳа-а, бир замонлар бўлган-да, — оқсоқол оғир хўрсиниб қўяди.

Суҳбатни бошқа томонга бураман.

— Тадбиркорликка йўл очилгани зап иш бўлди-да. Ўзимдан қиёс, — дейди оқсоқол. — Болаларимга бош бўлиб тадбиркорликни ривожлантиришимиз натижасида ҳаммаси уйли-жойли бўлишди. Энди улар ҳам ўзларининг мустақил ишларини ташкил этиш ниятида юришибди, ўзларига тўқ. Тиниб-тинчишмайди. Фарзандларим қаторида тадбиркорлик қилиб, барака топаётган замондошларга балли, буни қаранг, қандай бунёдкорлик ишлари бўляпти!

Ўзбекистоннинг харитасини кўз олдимга келтириб юраман, — жилмаяди раис бува. — Намунавий уйлар дейсизми, заводу фабрикалар, қурилишларни айтмайсизми... Кўз олдингизга келтиринг. Бошқа бир дунёга кириб бораётганга ўхшаймиз. Шундай ўзгаришларни кўраман, деб ҳеч ўйламагандим. Поездга чиқсам ўн саккиз-йигирма соатда Тошканга кириб борардик. У пайтлар Бухоро орқали айланарди. Ҳозирчи, Тошкандан уч соатнинг нари-бериси билан Қаршига келиб турибсиз-да. Ишонгинг келмайди. Лекин бор гап. Водийга тоғни тешиб темир йўл солиш, қаранг-а, шундай имкониятларга эга эканмиз-да. Яқинда водийлик қадрдонларни бир кўриб келай, деб Қамчиқдан ўтдим. Тоғнинг ичидан темир йўл кетган. Ўн тўққиз километри ер остидан ўтар экан. Яқинда ишга тушади, дейишяпти, шу тўғрими. Жуда тез бажаришди. Қойил қолишдан бошқа илож йўқ. Ахир, давлат дегани шундай қудратли бўлиши керак-да. Сурхондарёга Деҳқонободдан тоғ оралатиб Бойсун орқали темир йўл солинганда бир қойил қолган эдик. Яқинда ишга тушган Сургил заводини айтинг. Жуда катта завод деб эшитаман. Давлат ўз кучини, шундай ишларда намойиш этса бўларкан-ку! Шуларни ўйлаб шукр дейман. Айтишади-ку, сабр қилсанг ғўрадан ҳолва битур. Ҳаммаси Яратганнинг инояти, тинчликнинг шарофати, халқимизнинг бир тан, бир жон бўлиб қилган ҳаракати натижаси.

Юртбошимизнинг болаларнинг таълим-тарбиясига, спорт билан шуғулланишларига бераётган эътиборлари аҳолимизнинг кўнглидаги орзу-истакларини руёбга чиқаришга замин яратмоқда.

— Невараларимнинг иккитаси дарсдан кейин спорт билан шуғулланади, мусиқа ва санъат мактабига иккитаси қатнайди, — дейди яна бир юртдошимиз — Чироқчи туманидаги Янгиқишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Урғулсой қишлоғидан оқсоқол Маҳматмўмин Очилов. — Ҳозир қарасангиз, уларнинг қадди-қоматлари, ўзларини тутишлари, фикрлашлари ўзгариб қолди. Биз томонларда ҳам ота-оналар тушуниб олишди. Болаларини спортга, мусиқага беришяпти. Онгли, тушунадиган, мустақил фикрга эга бўлган ёшлар бугунги жамиятга кераклигини, улар жамиятда ўз ўрнини топиши зарурлигини англашимизнинг ўзи ҳам ўтган даврда биз англаган катта ютуқ. Мустақиллик даврининг ютуғи.

Бир даврлар бўлди. Қаранг-а, ҳеч ким ўйламаган экан. Бутун жамият ичкиликка муккаси билан кириб кетганди. Тўйими, томошами, байрамми ичиб олиб маст ҳолда кўчада думалаб ётиш одат тусига кириб қолувди. Ҳозир бундай ҳолат кузатилмайди. Одамларимиз тушунди. Тўйларни қаранг, ихчамлашиб бораётганига эътибор қилинг. Англаяпмиз ва тўйларни маданиятли тарзда ўтказишни ўйлаяпмиз.

— Мустақиллик шарофати билан ота-боболаримизнинг ҳаёт тарзи, муқаддас динимиз бизни тўғри йўлга қайтишимизга имкон яратди, — дейди сўзида давом этиб оқсоқол. — Ҳажга бориб келдим. Мазкур

# Тафаккур калити

Бошланиши 1-бетда

– Мана, тўртинчи бор китоб байрамида иштирок этяпмиз. Шу йиллар давомида бошқа қатламга нисбатан мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари орасида китобхонлар кўплигига амин бўлдим, – дейди "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа маркази муҳаррири Шоҳсанам Ҳакимова. – Ушбу байрам қатнашчилари йилдан-йилга кўпаяётгани қувонарли ҳол. Нашриётлар ҳам шунга яраша китобхонлар учун янги-янги китобларни чоп этиб, тақдим қилмоқда. Бизнинг нашриётда 250 ассортиментдаги китоблар чоп этилади. Бир нечта серияли асарлар, шунингдек, "Адабиёт дурдоналари", "Болалар ва ўсмирлар адабиёти", "Аёллар ва саломатлик кутубхонаси", "Камолот кутубхонаси" рукнларидаги китобларимиз ўқувчилар қўлига етиб бораётир. Ёш китобхонлар талаби ва қизиқишига кўпроқ эътибор қаратамиз. Масалан, "Камолот кутубхонаси" рукнида юзга яқин номдаги китоб чоп этилди...

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳам Туркманистон, Қозоғистон, Германия, Москва ва мамлакатимизда ўтказиб келинаётган анъанавий китоб ярмаркалари, кўргазмаларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ҳозирги кунда ушбу даргоҳда "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлик, "Маънавиятимиз дурдоналари", "Ўзбек насри", "Ўзбек назми", "Чин муҳаббат қиссалари", "Олтин остона", "Болалар адабиёти" ва бошқа ўнлаб рукнларда адабиётларни кирилл ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида нашр этилмоқда.

Оилавий китоб ўқиш анъаналарини тарғиб қилиш мақсадида нашриётлар байрам иштирокчиларига "Болаларда китоб ўқишга рағбат уйғотишда ота-оналарга маслаҳатлар" номли флайерлар тақдим этди ва "Китоб ўқишни ёқтирасизми?" мавзуида ижтимоий сўровнома ўтказилди. Бундан ташқари, "Энг яхши китобхон", "Китобхон оила" мавзуларида совринли викториналар ташкил қилинди.

Боғнинг кичик саҳнларида мушоиралар, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларининг ижодий учрашувлари давом этди. "Китобдан яхши дўст бўлмас", "Одамийлик китобга бўлган




эҳтиромдан бошланади", "Менинг биринчи китобим", "Китоб энг яхши совға" мавзуларида интеллектуал ўйинлар ўтказилиб, ғолибларга байрам логотипи туширилган майка ва китоблар тақдим этилди.

Йиғилганлар китоб графикаси ва миниатюра жанрида ижод қилаётган ёш рассомларнинг кўргазмаларидан ҳам баҳраманд бўлишди.

27 май куни соат 9.00да Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги мажлислар залида "Китоб – миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси" мавзуида IV илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда "Ноширлик иши: моҳият ва масъулият", "Ноширлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ташкилий асослари", "Болалар адабиётини нашрга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари", "Баркамол авлодни тарбиялашда китобнинг ўрни" мавзуларида маъруза ва муҳокамалар бўлди.

Соҳибқирон Амир Темур "Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир", деган эди. Дарҳақиқат, "Адабиётга эътибор – келажакка, маънавиятга эътибор" шиори остида ўтказиб келинаётган ушбу ижтимоий, маънавий-маърифий тадбир ўз самарасини бераётир.

– Назаримда кўп тенгдошларим китобларни яхши кўради. Буни бугунги байрам манзараси тасдиқлаб тургандек, – дейди Учтепа туманидаги 283-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ирода Содиқова. – Севимли шоир, ёзувчиларимизнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиш, китобхонликка чорловчи қимматли сўзлари биз ёшларнинг мутолаа маданиятимизни оширишга хизмат қиляпти. Шу орқали китоб танлаш, ўқиш ва уқиш сирларини билиб олаётганимиздан мамнунман. Бугун мен буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг "Хамса" асарини сотиб олдим. Ўқитувчиларимиз ушбу асарни ўқиб тушунишимиз зарурлигини кўп бор таъкидлашади. Замондош ёзувчиларимиздан Худойберди Тўхтабоев асарларига қизиқаман. "Сариқ девни миниб", "Беш болали йигитча" асарларини ўқиганман, уларда юмор, ҳазил-мутойиба ҳам ўз ўрнида қўлланилган. "Сариқ девни миниб" асари кино қилингач, билдимки, инсонга китоб кўпроқ маълумот ва завқ бера оларкан. Чунки киноасарда бундай завқни тўла ҳис қила олмадим...

***Байрам доирасида ўтказилган танловлар ҳам китобхонни, ҳам ушбу бебаҳо неъматни етказиб берувчиларни фаолликка чорлади. Тадбирнинг учинчи куни эълон қилинган "Йилнинг энг яхши китоби" ва "Намунавий китоб дўкони" республика кўрик-танловларининг сармеваси бўлиб, келажакда бу мўъжизавий оламга саёҳат қилувчилар янада кўпаяжак...***

**Моҳира ОТАБОЕВА**

# МАЪНАВИЙ ЭВРИЛИШЛАР ДАВРИ

жараённинг ташкил этилишига қаранг. Ҳаттоки, врачлар ёнингизда, аҳволингизни кузатиб боришади. Бунақа замон бўлганмас. Бир замонларда ҳажга бораман деб одамлар чиқиб кетишган, ё қайтган ёки қайтмаган. Собиқ тузум даврида ҳажга бориш нияти ота-боваларимизга армонлигича қолиб кетди, дея сукутга чўкади у. Олдин ўзимизди қадамжоларди зиёрат қилиш керак экан. Улуғларди ҳаммаси бизда экан. Шу жойлардан эканлигимизни эшитиб, сизлар бу ерга эмас, бошқалар сизнинг юртингизга боришлари керак. Улуғларни зиёрат қилишлари керак, дейишади.

— Бугун ҳаёт инсонга нима учун берилади, деган саволнинг жавобини топдик. Ёшларга қараб улар бизни тушунаётганликларидан хурсанд бўласан, киши. Ичмайди, чекмайди. Суҳбатлашсанг, ўз олдига улуғ ғояларни қўйишган, — дейди Қамаши тумани Қоратепа қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган коллеж ўқитувчиси Нарзулла Эшқуватов. У кишининг фикрини билиш учун сўраганимизда:

— Ёшинг йигирмадан ўтибди уйланиб олмадингми, деб сўрасангиз, йўқ, ҳали вақт бор, уйланиш қочиб кетмайди, шароитларимни тўғрилай, касб-ҳунар олай, ўқишимни тугатай, бир ишнинг этагини тутай дейди. Ўсмоқчилаб, ота-онанг қарамайдими, пенсия олаётган бувaнг, бувинг йўқми, деб сўрайман. Уларга оғирлигимни туширмоқчи эмасман. Улар-ку уйлан деб тиқилинч қилиб туришибди, ўзим кўнмаяпман. Ўқимишли, бир касбми ёки ҳунарга эга бўлган, ҳаётни тушунадиган тенгим чиқиб қолар, ҳали вақт бор, дейишади. Гапларини эшитиб шулар ўзимизнинг болалармі, дейман. Қисқаси, ёшларимизнинг кўзи очиқ, фикри теранлашиб боряпти.

— Ихтирочилик ишларингиз нима бўляпти, ёки пенсия ёшини баҳона қилиб йиғиштириб қўйдингизми? — сўрайман ундан.

— Нега энди, далада жавлон уриб ишлаётган тракторларга мен яратган ишчи органларнинг ўрнатилганлигини кўриб кучимга куч, қувватимга қувват қўшилади. Шу ҳужжатлаштиришга эътиборсиз қараган эканман-да, вақтида. Яна бир-иккита ишланмаларим бор. Шу вақт топиб патент олиб қўйишим керак. Эшитиб қолдим. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш учун енгилликлар бор экан. Интернетдан фойдаланиб ариза бериш, янгиликларни кўриш, рўйхатга олинган барча ихтиролар билан танишиш. Хуллас, Тошкентга овора бўлиб юрмасдан, шу ерда ўтириб олиб яратган ишланмаларимизни ҳужжатлаштириб олиш мумкин экан. Муҳтарам Юртбошимиз Наврўз байрамида ёшларни интеллектуал мулк соҳасига даъват этдилар. Шундан бери коллежда ёшларга бу ҳақда тушунчалар бериб боряпман. Тўгарак ишини янада ривожлантиришга қаратилган режалар қилиб юрибман. Қани, кўрамиз. Биздан ҳам ёшларга нимадир қолиши керак-да. Улар ўзлари билмаган ижодкорлигини рўёбга чиқишида кўмаклашсак, албатта, эслаб юришади. Мана шундай домлаларни ўзимиз ҳам доимий эслаб юрамиз. Заруриятига қараб ҳақларига дуо ҳам қилиб қўямиз.

Тадбиркорлик қилиш учун ҳам фақат деҳқончилик қилиш ёки чорвачилик билан шуғулланиш шарт эмас экан. Қўшниларимизнинг қизлари бор. Ўқиб келишди. Биттаси оилавий болалар боғчаси ташкил этиб, қишлоқдошларимизнинг фарзандларини тарбиялаяпти. Жуда яхши, болаларнинг хатсаводини чиқариб, мактабга тайёрлаб беряпти. Яна бир қўшнимизнинг қизи тиббиёт бўйича тадбиркорлик очаман деб елиб-югуриб юрибди. Қаранг, қанчалик қийин бўлмасин, ўзларининг ишини ташкил этишмоқчи. Бир куни кўриб қолиб ҳазиллашдим. Сизларга нима зарил? Турмушга чиқиб олиб, эрнинг топиб келганига шукр қилиб яшайвермайсизларми? Онгли ёшлар-да, ота-онасининг топган-тутганига яшаётганлардан совчи келган экан, рози бўлишмапти.

Ўйлаб туриб, ҳайрон қоламан. Нима учун эски тузум замонида шундай болаларимиз отилиб чиқмаган? Фикрлайман, бекорга турғунлик даври деб номлашмаган-да. Ахир, ҳозирги болалар ўша даврда яшаганларнинг болалари-ку. Рости гап, уларнинг келажаги билан қизиқмаганмиз, йўналтирмаганмиз, даъват этмаганмиз. Бунга имконият ҳам, шарт-шароит ҳам бўлмаган. Бугун эса, Мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб буюк ўзгаришлар, эврилишларнинг иштирокчиси сифатида ўзларининг ҳаётини ўзлари қуряптилар.

*Бир қарашда оддий қишлоқ одамларининг бу гаплари жуда содда, жўн кўриниши мумкин. Аслида ҳаётнинг ҳақиқати — шулар. Унинг мазмун-моҳиятини англаган инсонлар жамиятимизда ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Эртанги кунга ишонч билан қарамоқда. Чунки уларнинг бугунги саъй-ҳаракатлари, албатта, эртага ўз мевасини беради. Ҳар бир тақдир оддий ҳаётий ҳақиқатларда акс этади. Шунинг баробарида ҳаёт давом этади, бардавомлиги таъминланади. Мустақиллик инъом этган мустақил фикр қилиш, ўз сўзини айтиш ва амалда бажариш ҳам. Мендан нимани хоҳлашимни сўрасангиз буюк ўзгаришлар, маънавий эврилишларнинг фаол иштирокчисига айланишингизни истаган бўлардим.*

**Ўрол ҲАЙИТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати**

ФАОЛИЯТ

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ —

## насллар саломатлиги

**Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Оналик ва болалик муҳофазаси, аҳоли тиббий маданияти ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини яхшилаш борасида ҳам юртимизда салмоқли ишлар қилинаётир. Шулар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Мавлуда Хўжаева билан суҳбатлашдик.**

*— Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, бу борадаги ўзгаришлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом авлод камол топиши ва аҳолининг тиббий маданиятини кўтариш каби эзгу мақсадлар "Соғлом она ва бола йили" давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар билан уйғунликда олиб борилмоқда. Ана шу жараёнларни кенгроқ таҳлил қилиб берсангиз.*

— Бош Қомусимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Ҳуқуқ ва эркинликларимиз тегишли қонунлар билан ҳимояланган. Бундан ташқари, унда оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши алоҳида қайд этилган. Бугунги кунда ушбу конституциявий қоида ва меъёрлар ҳаётда амалий ифодасини топмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолининг турли касалликлар билан касалланиш даражаси ҳамда оналар ва гўдаклар ўлимининг камайишига, ҳаттоки, айрим юқумли касалликларнинг бутунлай қайд этилмаслигига эришилди.

Ўзбекистонда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш масалалари қонунлар ва қатор давлат дастурлари орқали амалга оширилмоқда. 2016 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармони қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлашга етти триллион тўрт юз саксон уч миллиард уч юз миллион сўм ва бир юз тўқсон тўрт миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда. Дастурда белгиланган вазифалар қанчалик салмоқли ва кенг кўламли эканлиги шундан кўриниб турибди. Жорий йилнинг уч ойи якуни бўйича Давлат дастури ижросини таъминлашга бир триллион 115,7 миллиард сўм ва 32,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди.

*— Ушбу рақамларни янада соддароқ ифодаласак, яъни масалан, инсон саломатлиги учун овқатланиш маданияти муҳим аҳамиятга эга. Айни кунда бозорларимиз, савдо дўконларимиз ўзимиз ва хорижда тайёрланган турли озиқ-овқат маҳсулотларига тўла. Уларнинг сифатли ва хавфсиз бўлишини таъминлаш учун мазкур маблағлар нақадар алоқадор?*

— Таърифингиз тўғри, яна мисоллар орқали фикримизни соддалаштирамиз. Олайлик, «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига таркибида модификациялаштирилган организмлар бор бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини четдан олиб келиш ва истеъмол қилишни чеклашга, шунингдек, болалар овқатида генетик модификациялаштирилган организмларни қўллашга тақиқ жорий этишга йўналтирилган қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш жорий йилнинг учинчи чорагига мўлжалланган. Ана шу масалага эътиборни қаратайлик. ГМО — генетик модификацияланган организм ўзи нима? Бу ирсият муҳандислиги усули билан генотипи сунъий ўзгартирилган организмдир. Бу таърифни ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмларга нисбатан қўллаш мумкин. Қоидага биноан генетик ўзгартириш илмий ва хўжалик мақсадларида қўлланилади. Генетик модификация — табиий ва сунъий мутациялаш жараёнидан аниқ бир мақсадга йўналтирилгани билан фарқ қилади. Ҳозирги кунда жаҳонда юздан ортиқ генетик модификацияланган ўсимликлар, ўнлаб ҳайвон ва парранда турлари парваришланяпти. Уларнинг ҳаммаси инсон истеъмоли учун мўлжалланган. Бугунги кунда дунёда бўлаётган ўзгаришлар, глобаллашув жараёнларини ва ҳаётдаги ҳолатни ҳисобга оладиган бўлсак, бундай маҳсулотларни Ўзбекистон ҳудудига ҳам кириб келиши кузатилмоқда. Масалан, Америкача тарвуз ўзи қип-қизил, пўсти юпқа, лекин уруғи деярли йўқ. Помидор, бодринг ва булғор қалампири... Сунъий чатиштириш йўли билан олинган бундай маҳсулотлар инсон организмига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Улар инсонларда аллергик таъсирчанликни келтириб чиқариб, иммун тизими фаолиятига зиён етказади, модда алмашинуви бузилишига ҳам сабаб бўлади. Бу борада олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатганки, трансген маҳсулотларни истеъмолга чиқариш тақиқланган Швецияда аҳолининг фақат 7 фоизи аллергик касалликларга чалинар экан. Бундай маҳсулотлар кўп истеъмол қилинадиган, ҳатто махсус ёрлиқда кўрсатилмайдиган АҚШда эса аллергик касалликлар билан оғриганлар аҳолининг 75 фоизини ташкил қиларкан. Маълумотларга кўра, 2004 йилдан буён Европанинг бир қатор мамлакатларида 4 ёшгача бўлган болаларнинг таом рационига бундай маҳсулотларни киритиш тақиқланган. Яна бир салбий томони, бундай маҳсулотларни доимий истеъмол қилган инсон антибиотикларга нисбатан таъсирчанлигини йўқотади. Шунингдек, маҳсулотлар инсоннинг насл қолдириш қобилиятига ҳам таъсир кўрсатади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб аҳоли саломатлигини кўзлаб, «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига таркибида модификациялаштирилган организмлар бор бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини четдан олиб келиш ва истеъмол қилишни чеклашга, шунингдек, болалар овқатида генетик модификациялаштирилган организмларни қўллашга тақиқ жорий этишга йўналтирилган қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда биринчи навбатда давлатимиз раҳбарининг 2014 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган "Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференциядаги маърузасида белгилаб берилган йўналишлар, қолаверса, Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги, шунингдек, аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш борасидаги стратегик позицияси асос қилиб олинмоқда.

Амалдаги қонун матнида ишлатилган тушунчалар маъноларини очиш мақсадида ҳамда "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги ва "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги ЎРҚларида қўлланилган тушунчалар маъноси билан ўзаро уйғунлаштириш, шу билан бирга халқаро тажриба ва "Алиментариус кодекси" стандартлари тавсиясини инобатга олган ҳолда "озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги", "озиқ-овқат маҳсулоти сифати" тушунчаларини кенгроқ талқин этиш, "гигиеник сертификат" тушунчасини "санитар-эпидемиологик хулоса"га алмаштириш назарда тутилган.

*— Шу ўринда инсон саломатлиги учун яна бир жиҳат — Мамлакатимизда "биологик (органик) маҳсулот" маркировкасининг жорий этилиши ҳақида батафсил тўхталиб ўтсангиз.*

— 2015 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 102-сонли қарори ижроси асосида "Биологик (органик) маҳсулот" маркировкасини жорий этиш ишларини инобатга олиб, қонун лойиҳасида тегишли норма киритилмоқда. Озиқ-овқат бозорининг ички ва ташқи хатарларга нисбатан барқарорлигини ошириш, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорликда самарали иштирок этишга доир амалдаги қонуннинг ўнга яқин моддалари бугунги кун талаблари асосида такомиллаштирилмоқда. Юқорида қайд этилган қўшимчалар ва ўзгартиришлар амалдаги қонунда ўз ифодасини топмаган бўлиб, таклиф этилаётган қонун лойиҳасини қабул қилиш амалиётдаги мавжуд номутаносибликларни бартараф этади, ишлаб чиқарувчилар ва соҳага ваколатли органларнинг жавобгарлик масъулиятини оширади ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида мўътадил шарт-шароитлар яратилишига олиб келади.

**Наргиза БОБОМУРОДОВА**
**суҳбатлашди.**

# ҚАДДИ РАСОЛИК – ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ

РИВОЖЛАНАЁТГАН ТИББИЁТ

**Бугунги ўн-ўн беш ёшли болаларга разм соламан. Барчаси бақувват, билаклари кучга тўла. Соғломлиги тийрак кўзлари, мағрур юришларидан шундоққина кўриниб турибди. Булар мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш ва аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш борасида қилинаётган ғамхўрликларнинг натижасидир. Юртимиздаги шифохоналар замон талаблари даражасида фаолият олиб бораётир. Ҳар бир инсоннинг соғлиғига масъул.**



Хусусан, пойтахтимиздаги Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти ҳам шу йўлда жонбозлик қилаётган энг йирик илмий ва амалий муассасалардан бири ҳисобланади. Бу ерда саккизта бўлим, тез тиббий ёрдам хизмати, рентген, инстурментал-лаборатория диагностикаси мавжуд. Муассасада болаларда учрайдиган суяк чиқишлари, қийшиқликлари ва калталикларини даволаш ҳамда умуртқа туғма нуқсонлари, диск чуррасини олиб ташлаш, суяк, пай билан боғлиқ турли хил касалликлар, кексаларни суяк мўртлиги туфайли бўладиган синиқларни даволаш ишлари олиб борилмоқда. Тиббий ёрдамнинг янги йўналишлари сифатида ташкил этилган вертебрология, спорт жароҳатлари, ўсмирлар ортопедияси қисмида ҳам беморлар тезроқ тузалиб кетишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

– Клиникамиз амалга оширилаётган операциялар ҳажми ва сифатига кўра дунё тан олган ортопедик шифохоналар даражасига кўтарилди. Даво муолажалари натижасида минглаб беморлар бутунлай тузалиб, ўсиш фаолиятини давом эттирмоқда, – дейди Травматология ва ортопедия институти директори, профессор Мирҳаким Азизов. – Олимларимиз томонидан яратилган суяк синишлари ва касалликларини даволашда ишлатиладиган талай қурилмалар юртимизда ўтказилаётган инновацион ярмаркаларда намойиш этилмоқда. Клиникамизга хориждан келтирилган тиббий асбоб-ускуналар, жумладан, Японияда ишлаб чиқарилган рақамли рентген аппарати, умуртқа остеохондрозини тузатишда қўлланиладиган чет эл ускунаси ташхис қўйиш ва даволаш ишларини анча жадаллаштирмоқда. Малакали илмий ходимларимиз томонидан чаноқ сон бўғими дисплазияси, сон суяги бошчасини туғма чиқиши, тизза бўғими оғир деформацияларида эндопротезлашнинг янги технологиялари ишлаб чиқилгани операция вақтини қисқартириш, асоратлар хавфини камайтириш имконини бермоқда. Елка, тирсак ва болдир-ошиқ бўғимларини эндопротезлаш амалиётга тадбиқ қилинаётгани ўзимиздаги барча имкониятларни ишга солишга омил бўлмоқда. Шунингдек, катталар ва ўсмирларда туғма бўйин қийшиқлигини оператив даволашнинг самарали усули яратилгани, сон суяги юқори қисми синишларини даволаш учун янги жарроҳлик мосламалар ишлаб чиқилганини улкан ютуқларимиз қаторида эътироф этиш мумкин. Мутахассисларимиз пойтахту вилоят марказлари, энг чекка қишлоқлардаги шифохоналар, поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, травматизм ва ортопедик касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ҳамда олдини олиш борасида изланишлар олиб бормоқда. Бундан кўзланган асосий мақсадимиз аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифатини ошириш, янги диагностика ва даволаш усулларини пухта ўзлаштириб, амалиётга татбиқ этишдир.

Дарҳақиқат, клиникада эндопротезларни ўрнатиш технологиялари тўлиқ ўзлаштирилиб, йилига мингдан ортиқ замонавий операциялар муваффақият билан амалга оширилмоқда. Бу жарроҳлик амалиётларини бажариш учун институт олимлари Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг йирик шифохоналарига таклиф қилинаётгани қувонарли ҳол. Демак, бу ўзимизда дунёқараши янги, маҳоратли, мураккаб тиббий технологияларни бошқариш салоҳиятига эга травматолог-ортопедларимизнинг янги авлоди камолга етганидан далолат беради.

– Ортопедик касалликларнинг барча турлари икки ёшгача даволаб юборилиши лозим. Вақтида бунга эътибор берилмаса, келажакда ҳар хил ногиронликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун фарзандларимизни чақалоқлигидан тўғри ўсиши ва ривожланишига масъул бўлишимиз керак, – дейди тиббиёт фанлари номзоди, ўсмирлар ортопедияси бўлимининг катта илмий ходими Зафар Холов. – Болани олти ойгача ўтирғизмаслик, тўққиз ойлик бўлгунча оёққа қўйишга шошилмаслик, юриб кетгандан кейин ҳам назоратдан четда қолдирмаслик даркор. Айрим оналар боласини бешикка белаб, кун бўйи қоронғи уйга қўяди. Ёзда қуёшдан қочиб, салқинда ўтиришади. Аммо организмга ультрабинафша нурлари етишмаслигидан рахит келиб чиқади. Серқуёш ўлкамизда бу хасталикнинг учраши нотабиий ҳол. Бундай беморларга қишда кўпроқ "Д" витаминини қабул қилиш, ёзда эса қуёш нурларидан баҳраманд олишини маслаҳат берамиз. Бола организми етарли даражада қуёш нури олмаса, камқонлик, бош, оёқ-қўл, умуртқа поғонасининг қийшиқликлари келиб чиқади. Институтимизда болаларнинг туғма сон чиқишлари, болдир суяклари синганда силжиган бўғинлари ўрнига қўядиган шиналар ишлаб чиқилган. Ўсмирларда калталашган суякларни чўзиш ва қийшиқликларини тўғрилаш бўйича мураккаб операциялар ўтказилиб, сунъий суяк яратиш йўналишларида изланишлар олиб борилмоқда. Институтимизда ҳатто оғир хасталик ҳисобланган сколиозни ҳам жарроҳлик усули билан даволаш йўлга қўйилгани беморларга янгидан ҳаёт бағишламоқда. Бироқ, бу касалликларни бошланғич давриданоқ олди олинса, оворагарчиликларга ўрин қолмайди. Бунинг учун биринчи навбатда, болани она сути билан озиқлантириш, эртароқ мева ва полиз маҳсулотлари бериш, эрталабки гимнастика машқларига жалб этиш, очиқ ҳавода сайр қилдириш, мактабда болаларга мос партада ўтириши-ю, ҳатто пойабзалининг катта-кичиклигигача эътибор беришимиз керак. Булар ҳаммаси ўсаётган организмни керакли минерал тузлар, витаминлар билан таъминлашдан ташқари, қадди-қоматини бекаму-кўст ўсишига мустаҳкам замин яратади. Бугун мамлакатимизда болалар спорти ривожланиб бормоқда. Соғлиғидан шикояти борларнинг яқинлари дилбандига қайси спорт тури мос келишини аниқлаб, жисмоний машқларни режа асосида ташкил этишларини истардим.

– Қизимнинг икки ёшлигида рахит аломатлари борлигини айтишганди. Бунга эътиборсиз бўлибман. Елкаси букилиб қолгач, шифохонага келдик. Болам тўрт ярим соатда операциядан чиқди. Соғлиғи тикланиб, ойна олдидан бери келмаяпти. Бунинг учун шифокорлардан миннатдормиз, – дейди чироқчилик Шаҳноза Сатторова. – Унинг маъюс юзига қараб, қандай далда беришни билмасдим. Навбатдаги жарроҳлик амалиётидан кейин кўзларидаги умид учқунини кўриб, анча хотиржам бўлдим. Табиблар қизимни мумиё билан даволашга ишонтириб, ногирон бўлишига бир баҳя қолибди. Энди барча кўргиликлар ортда қолди, дейишди шифокорлар. Уйимизга бир олам орзу-ҳаваслар билан қайтаяпмиз.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида соғлом авлод жавлон уриб турсагина, фаровон турмушимиз янада юксалади. Ёш олимларимиз ўз илмий ишларида травматология ва ортопедия соҳасидаги долзарб муаммоларни қамраб олаётгани, операция жараёнида ишлатиладиган қимматбаҳо тиббий мосламаларни чет эл ускуналаридан қолишмайдиган даражада ихтиро қилаётгани диққатга сазовордир. Институт кутубхонаси ўз соҳаси бўйича республикада энг йирик илмий адабиётлар мажмуасига эга. Бундан ташқари, ёш изланувчилар интернет, электрон почта орқали хорижлик ҳамкасблари билан инглиз тилида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатаётгани авлодлар соғломлигига эришишимизда беқиёс ҳисса қўшмоқда. Албатта, бу ўзгаришлар мамлакатимизда тиббиёт тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг ёрқин самарасидир.

**Адиба УМИРОВА**

# Малакали кадрларга ҳамиша эҳтиёж катта

**ФАОЛИЯТГА БИР НАЗАР**

Хабар бугун инсоннинг доимий эҳтиёжига айланди. Бир кунда ўнлаб ахборот воситаларига дуч келамиз ва мулоқотда бўламиз. Телевидение, радио, матбуот – ОАВнинг барча турлари сони тобора ортиб бораётир. Мустақилликнинг илк йилларида уларнинг умумий сони 395 та бўлган бўлса, бугун 1454 тани ташкил этмоқда. Муҳими, соҳада шунга яраша мутахассис кадрларга эҳтиёж бор. Ҳозир олий ўқув юртларидан ташқари қатор республика нашрлари, қолаверса, маҳаллий газеталар қошида маҳорат мактаблари фаолияти йўлга қўйилган. Шунга қарамай, замон билан ҳамқадам, малакали кадрлар етишмаслиги кўплаб нашрлар фаолиятида кузатилмоқда. Айниқса, вилоят ва туман газеталари таҳририятлари бу борада жиддий муаммоларга дуч келаётир. Мазкур нашрлар раҳбарларининг қай бири билан суҳбатлашманг, фаолиятидаги оқсашга мутахассис етишмаслигини сабаб қилиб кўрсатади.





Куни кеча Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган "ОАВни малакали кадрлар билан таъминлаш масалалари" мавзуидаги матбуот анжуманида шу хусусида сўз борди. Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ҳақида республика аҳолисини, жаҳон ҳамжамиятини ўз вақтида хабардор қилишга, шунингдек, дунё ахборот майдони глобаллашуви кучаяётган шароитда содир бўлаётган воқеаларга тез ва холис муносабат билдира олишга қодир бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда қабул қилган "Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида миллий журналистика таълими соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй берди.

— Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультети фаолияти янада такомиллаштирилди. Факультет учун янги, ҳамма қулайликларга эга бино барпо этилди, — дейди ушбу факультет декани Маҳлиё Мирсоатова. — Бакалавр ва магистр йўналишларидан ташқари, университет қошида икки йиллик "Олий журналистика курси" фаолият олиб бораётир. Унга танлов асосида бошқа мутахассисликлар бўйича бакалавр даражасига эга бўлган ва журналистика соҳасида ижодий қобилиятларини намоён этаётган ёшлар қабул қилинмоқда. Хорижий тилларни биладиган, ахборот технологияларидан яхши хабардор кадрлар тайёрлаш билан бирга, уларнинг талабалик вақтидаёқ амалиётга жалб этишга эътибор қаратяпмиз. Ўтган йили ўн нафар талабамиз бир ой давомида Фарғонада амалиёт ўтаб қайтди. Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими билан олиб борган бу ҳамкорлигимиз ўзини оқлади. Ушбу тажрибани бошқа вилоятларда ҳам синаб кўришни режалаштирдик.

Журналист кадрлар тайёрлаш бўйича яна бир йирик билим ўчоғи Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети бўлиб, 1999 йили унинг таркибида халқаро журналистика факультети ташкил этилган. Мамлакатимиздаги буюк ўзгаришларни жаҳон оммасига етказувчи, шу билан бирга, дунё ҳамжамиятида юз бераётган воқеа-ҳодисалар билан халқимизни ўз вақтида таништирувчи халқаро журналистларга бўлган эҳтиёж ушбу факультетнинг очилишига замин бўлди. Ўтган вақт мобайнида факультетда инглиз, немис, испан, хитой, япон ва бошқа қатор тилларини пухта биладиган, замонавий фанлар малакасини тўла эгаллаган юзлаб мутахассислар етишиб чиқди. Анжуманда иштирок этган ушбу факультет декани ўринбосари Амрилло Каримов сўзини кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ янгиликдан бошлади:

— Яқинда университетимиз Жанубий Кореянинг жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда имзоланадиан меморандумга кўра, икки ўртада ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви йўлга қўйилади. Ушбу янги лойиҳа асосида ҳам педагоглар, ҳам бўлажак журналистлар тажриба алмашишга эришилади. Бундан ташқари, хориж тажрибасини ўрганиш борасида дунёнинг кўплаб нуфузли олий ўқув юртлари — АҚШнинг Бостон, Буюк Британиянинг Лондон, Жанубий Кореянинг Канян, Калифорния университетлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Талабаларимизнинг чет тилларни пухта ўзлаштириши учун хорижлик мутахассисларни жалб қилганмиз. Эндиликда талабаларимизнинг хориж нашрлари билан ҳам мунтазам алоқа ўрнатиши ва тажриба алмашиши учун имконият яратишни режалаштирганмиз. Бўлажак журналист соҳа сирларини амалиётда тезроқ ўрганади. Шу боис ҳам "Жаҳон АА", "ЎзА", "Туркистон-пресс" ахборот агентликлари, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ҳамда республиканинг қатор нашрлари билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Айни пайтда 153 нафар талаба матбуот, 22 нафари телевидениеда назария ва амалиётни бирга олиб боряпти. Бундай ҳамкорлик ва тажрибалар ўз самарасини беради, шубҳасиз.

Ёш журналистларнинг амалий билим-кўникмаларини шакллантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётир. Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси бу борада кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ўтган йили уюшма қошида ташкил этилган "Ёш журналистлар клуби"нинг асосий мақсади мазкур олий ўқув юртларида таълим олаётган ва таҳририятларда фаолият кўрсатаётган ёш журналистларни клуб таркибига бириктириш орқали халқаро илғор тажрибаларни татбиқ этган ҳолда уларнинг ОАВ тармоқлари ва соҳаларига ихтисослашуви ҳамда касб маҳоратининг оширилиши учун кўмаклашишга қаратилган.



Клуб машғулотларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, суд-ҳуқуқ идоралари вакиллари, ОАВда хизмат қилаётган етакчи журналистлар, профессор-ўқитувчилар, тажрибали ижодкорлар таклиф этилмоқда.

Матбуот анжуманида журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, моддий-техник базани ва ўқув жараёнини замонавий ахборот коммуникация технологиялари билан бойитиш, талабаларнинг амалий билим-кўникмаларини шакллантириш, ўқув юртлари билан таҳририятлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, устоз-шогирд анъаналарини ривожлантириш масалалари борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида кенг маълумот берилди.

Конференцияда "Ватанпарвар" газетаси қошида яқинда очилган маҳорат мактаби ҳақида ҳам сўз юритилиб, келгусида ҳарбий журналистларга эҳтиёж сезилиши таъкидланди. Ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш таклифи билдирилди. Бу эса, албатта, икки олий ўқув юрти зиммасига яна бир масъулият юклайди.

**Мухтасар айтганда, миллий ахборот маконини тараққий эттириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ахборотга бўлган талабини қондиришда журналистнинг ўрни тобора аҳамият касб этиб бораркан, етук кадрларни тарбиялаш долзарб масала бўлиб қолаверади.**

**Холида ФАЙЗИЕВА**

**ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА...**

Бугун мамлакатимизда 32 миллион киши истиқомат қилаётган бўлса, шунинг 60 фоиздан ортиғи ёшлардир. Демак, ҳар жабҳада ушбу қатламнинг қизиқиш ва манфаатларини ҳисобга олиш талаб этилади.



## ЎзЭОАВМА: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мустақил фикрловчи, билимдон ёшларнинг камол топишига ёрдам берадиган медиа контент яратишга катта эътибор қаратиб келмоқда. Нодавлат телерадио узатувчиларнинг миллий позициясини вужудга келтириш, юртимизда маданий масс-медиа бозорини ривожлантириш ва нодавлат электрон ОАВнинг фуқаролик жамияти барпо этишдаги фаол иштирокини таъминлаш мазкур ассоциациянинг мақсадларидан биридир. Ҳозирги вақтда мавжуд 80 дан ортиқ нодавлат телерадиостанция ва кабель телевидениелари студиялари бундан 12 йил аввал ташкил этилган ассоциациянинг аъзоларидир. Ташкилот уларни моддий-техник ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Халқаро ҳамкорлар билан узоқ муддатли алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, улар медиалойиҳалар, ўқув дастурларида иштирок этмоқдалар, журналистлар учун семинар-тренинглар ташкил қилишда ёрдам кўрсатишяпти. Ҳамкасбларимизнинг касбий маҳоратини ошириш ва ишлаб чиқилаётган медиа маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш учун нуфузли хорижий мутахассислар жалб этилмоқда.

"Озод юрт тўлқинлари" журнали ушбу ташкилот нашри бўлиб, (300 нусхада) бепул тарқатилади. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиладиган журналнинг навбатдаги — 7-сонида ассоциациянинг 2015 йилги фаолиятига тўхталиб, жорий йилги режалар хусусида ҳам сўз юритилади. Ўтган йили умумий қиймати саккиз миллиард сўмга тенг 21 та лойиҳа амалга оширилган ва ҳозир ҳам давом эттирилаётир. Янги лойиҳалар қийматини эса 18 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

Журнал саҳифаларида жўшқин, тезкор медиамакон яратиш, жорий йил бошида Билдирсойда ўтказилган семинар, маҳорат дарсларининг янги мавсуми тўғрисида маълумотлар, тадбирлардан суратлар берилган. Бундан ташқари, ҳамкорлик географияси — Бангладеш, Покистон, Болгария, Германия, Япония, Жанубий Корея, ЮНЕСКО, ЕХҲТ, ЮНИСЕФ билан биргаликда режалаштирилган кўрсатув ва эшиттиришлар, афғонистонлик ҳамкасблар учун ўтказилган семинар ҳақида ҳам материаллар чоп этилган. Шунингдек, ёшлар контентини яратишда халқаро тажриба, Германияга сафар якунлари тўғрисидаги маълумотларни ўқишингиз мумкин. Журналнинг сўнгги саҳифаларидан эса Ўзбекистон Электрон ОАВ миллий ассоциациясининг жорий йилги лойиҳалари рўйхати ўрин олган.

Қисқаси, ушбу нашр ЎзЭОАВМАнинг кечаси, бугуни ва эртасини кўрсатувчи ўзига хос ойинадир.

**Х. АҲМАДЖОНОВА**

# ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

**ТАДБИР**

Баъзан китоблардан топилмаган ҳақиқат вақт измида ойдинлашади. Шундай нарсалар борки, уларни ўттиз-қирқ йил яшамасдан туриб англаб етолмайсиз. Ҳар қандай соҳа вакили маҳоратга эга бўлиши учун донишманд вақтнинг сабоқлари керак бўлади. Шу жумладан журналист учун ҳам.

Бугун малакали журналист кадрларни тайёрлаш куннинг долзарб масаласига айланиб қолди. Тўртинчи ҳокимият эгаларининг амалиётдаги фаолияти, таълим олиш жараёни доимий эътиборда. Вақти-вақти билан ЎзМУ журналистика факультетида ўтказилиб келинадиган уч авлод учрашувлари талаба ёшларнинг соҳага оид билимларини, тасаввурларини оширишга хизмат қилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири "Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ОАВ нинг роли" мавзусига бағишланди. Унда катта авлод вакилларидан Мухтор Худойқулов, Сайди Умиров, журналистика факультетини ўттиз йил аввал битирган Йўлчи Муҳаммедов, Юсуф Ҳамдамов кабилар, вилоят нашрларида хизмат қилаётган журналистлар, талабалар иштирок этишди.

— Бугун журналистика соҳасида ишлашни мақсад қилган ҳар бир мутахассис хорижий тилларни билиши, ижтимоий тармоқнинг имкониятларидан унумли фойдалана олиши, ҳам фотомухбир, ҳам репортёр, ҳам бошловчи, ҳам мухбир бўлиши талаб этилмоқда, — дейди ЎзМУ журналистика факультети доценти Тўлқин Эшбеков, — Миллий журналистикамизни дунёга танитиш ҳам ёш журналистларнинг зиммасида.

— Вилоят, республика нашрлари замон талабларига мос, аудиториянинг талабига хос тарзда чоп этилмоқда. Аммо туман нашрлари кўмакка муҳтож, — дейди Самарқанд вилояти Оқдарё тумани "Оқдарё" газетаси бош муҳаррири Йўлчи Муҳаммадиев. — Сабаби, туман нашрларида ишлаётган ходимларнинг аксарияти соҳага хос малакага эга эмас. Шу сабаб материалларнинг савияси ҳам шунга яраша. Биз бугунги кунда туман нашрларининг ривожланишига ҳисса қўшишга тайёр малакали ёшларнинг ёрдамига муҳтожмиз. Улар учун эшигимиз доим очиқ.

Тадбирда журналистик жанрлар, уларнинг аҳамияти, вазифалари ҳақида билдирилган фикр ва мулоҳазалар талабалар учун фойдали бўлди.

— Бундай давраларда биз китобларда битилмаган, аммо фаолиятимиз учун муҳим бўлган билимларга эга бўламиз,— дейди ЎзМУ журналистика факультети 3-босқич талабаси Мафтуна Худойберганова, — Устозларимиз неча йиллик тажрибалари, соҳага оид бир-биридан қизиқ воқеаларни айтиб берадилар. Биз ўзимиз учун хулосалар чиқарамиз.

Соҳага оид ютуқ ва камчиликлар, келажакдаги режалар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида сўз юритиладиган бундай суҳбатлар миллий журналистикамиз ривожига ўз ҳиссасини қўша оладиган кадрларни тарбиялашига ишонамиз.

**Шоҳсанам КОМИЛОВА, "Hurriyat" мухбири**

**МАШҲУР ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАЁТИДАН**

**Альбер Камю** 1913 йил 7 ноябрда Жазоирнинг Мондови қишлоғида туғилган. Отаси Люсиен Камю биринчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Онаси Кутрин Сантэ эса фабрикада ишлаган.



## МОҲИР ЭССЕНАВИС

Альбер олти ёшида мактабга бориб, аъло баҳоларга ўқийди. Одатда у тенги болалар ўқишни ташлаб, оила боқишда катталарга ёрдам берарди. Аммо бошланғич мактаб ўқитувчиси Луи Жармен Альбернинг онасига ўқишни давом эттириши кераклигини тушунтиради. Муаллим бу қобилиятли болани лицейга ўқишга тайёрлаб, ҳатто унга стипендия тайинлашларига ҳам эришди. Кейинчалик ёзувчи бу устози ҳақида Нобель мукофотини қўлга киритгани муносабати билан сўзлаган нутқида меҳр билан гапирган эди.

Лицейда ўқиб юрган пайтда Альбер француз адабиёти билан танишади. Футбол билан жиддий шуғулланади. Ҳатто ўсмирлар жамоасида тўп суради. Кейинчалик хотираларида спорт унинг бурчга содиқлик ва қонунларга муносабатини шакллантирганини эътироф этади.

Унинг ёшлик йиллари осон кечмайди. 1930 йилда сил касаллигига чалинади. Шунда ўқишни тўхтатиб туришга тўғри келади. Кейинроқ тузалганига қарамасадан, узоқ йиллар шу касаллик асоратидан азоб чекади.

1932—1937 йиллар адиб Жазоир университетида фалсафадан сабоқ олиб, кўп ўқийди. Кундалик тутади, эсселар ёза бошлайди. А.Жида, Ф.Достоевский, Ф.Ницше асарларини синчиклаб ўрганди. Жан Грение исмли фалсафа ўқитувчиси билан дўстлашди.

Талабалик билан бир пайтда тирикчилик важидан муаллимлик, сотувчилик қилишга мажбур бўлди. Университетни битирганидан сўнг эса бир қанча вақт Жазоир маданият уйини бошқарди.

Камюнинг журналистик фаолияти, ҳали айтганимиздек, 1932-йилларда эсселар ижод қилиш билан бошланган эди. 1938 йилдан "Соҳил" журналига муҳаррир бўлгач, бу соҳадаги фаолияти гуллаб-яшнади. Умуман, фаолияти давомида у "Алже Репюбликен" ва "Суар репюбликен" газеталарида хизмат қилди. Бу нашрларда адиб Жазоирнинг маҳаллий аҳолиси (араблар) турмуш тарзини юксалтириш масаласи ёритилган ижтимоий-сиёсий мақолалар билан чиқишлар қилди. Бу икки нашр Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёпилиб кетди. Натижада журналист-адиб мустақил равишда эссе ва бошқа публицистик материаллар ёзиш билан шуғулланди.

1940 йилда Парижга кўчиб келди. Бу ерда у "Пари суар" газетасида техник муҳаррир бўлиб ишлай бошлади. Шу йилнинг май ойида "Бегона" қиссасини ёзиб тугатади. 1941 йил февраль ойида машҳур "Сизиф ҳақидаги ривоят" эссесини ёзди. Бу асарида у абсурд, яъни маънисизлик ҳақидаги фалсафий қарашларини баён этган. Сизиф грек адабиётидаги тоғдан тушиб-чиқишга маҳкум инсон тимсолидир. Камю бу образ мисолида одамларнинг ўз ҳаётий кучини бемаъниликка сарфлашининг ачинарли оқибатларини ёритиб берган.

Адиб 1943 йилдан бошлаб "Галлимар" нашриётида ишлай бошлади. Умрининг сўнгига қадар бу муассаса билан ҳамкорлик қилди. Уруш йилларида "Немис дўстимга хатлар" кундалиги бобма-боб чоп этилиб туради. 1944 йил унга ҳам оилавий, ҳам ижодий қўшалоқ бахт келади. Шу билан бирга "Вабо" романини ёзиб тамомлайди. Шу йили унинг оиласида эгизаклар Жан ва Катрин дунёга келди.

Урушдан кейинги йилларда Камю "Комба" газетасида фаолиятини давом эттиради. Бу нашрда у илк ёзган, кейинчалик шуҳрат келтирган асарларини чоп эттиради. Дўсти, машҳур файласуф Сартр билан доимий фикрий тўқнашувлардан безган Камю "Комба" газетасидан кетиб, эркин ижод билан шуғулланади. Турли нашрларга публицистик мақолалар ёзади. Кейинчалик унинг "Муҳим қайдлар" номи остида учта тўплами нашр этилади.

1957 йилда улуғ адиб ва журналист Альбер Камю Нобель мукофоти совриндори бўлди.

**Малика АҲМЕДОВА тайёрлади.**

# АНДИЖОННИНГ "КИТОБ ОЛАМИ"

**ХУШХАБАР**

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан Андижонда фойдаланишга топширилган "Китоб олами" мажмуаси иш бошлаган кун — дастлабки олти соатда юртдошларимиз олти миллион сўмлик китоб харид қилишди.



Аслида гап қандайдир рақамларда ёхуд "китобхонларнинг неча соат ичида қанча маблағ сарфлаганларида" эмас, одамларнинг зиёга талпинишидадир.

Юртимизда ҳар йили Китоблар байрамини нишонлаш анъанага айланди. Бу айёмни умумхалқ байрамларини кутгандек интиқиб, соғиниб кутадиган бўлиб бораётганимиз қувончли ҳодиса. Барча вилоят марказларида ва туманларимизда ҳам йирик китоб дўконларининг барпо этилаётгани эса бир қувончимизга ўн қувонч қўшмоқда.

Республикамиз бўйлаб кенг нишонланган Китоблар байрами тадбирлари доирасида Андижон шаҳрининг Алишер Навоий шоҳ кўчасида замонавий услубда қад ростлаган кўп қаватли бинонинг биринчи қаватида жойлашган "Китоб олами" мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Андижон вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, ноширлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъаткорлар, меҳнат фахрийлари ва ёшлар иштирок этди.

— "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурига асосан, ўзбек адабиётини оммалаштириш ва аҳолини жаҳон адабиётининг ноёб дурдоналари билан таништириш мақсадида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ташаббуси билан барча вилоятлар ва туманларда "Китоб олами" маърифий мажмуасининг тармоқлари очилмоқда, — дейди "Китоб олами" маънавий-маърифий савдо мажмуаси республика бошқаруви раҳбари Шуҳрат Охунжонов. — Шу кунгача пойтахтимизда, Қорақалпоғистон Республикасида ҳамда Фарғона, Наманган вилоятлари марказларида "Китоб олами" мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

"Китоб олами"ни кезар эканмиз, фарзандлари билан турфа китобларни варақлаб кўраётган, ўзларига маъқул келган китобларни харид қилаётган ота-оналар эътиборимизни тортди.

— Фарзандим билан шаҳар бўйлаб саёҳатга чиққандик, мажмуанинг очилишини эшитиб шу ерга келдик. "Китоб олами" биз учун қулай жойда очилибди, хурсанд бўлдик. Қизимнинг хоҳиши ва танловига қараб "Гулливернинг саёҳатлари" китобини сотиб олдик, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири Абдумажид Тоҳиров.

Мажмуада китобхонларнинг дунёқараши, маънавий эҳтиёжига мос 2000 турдаги 25000 нусхадаги асарлар 22 та махсус бўлимларга бўлиб жойлаштирилган. "Президент асарлари", "Болалар адабиёти", "Ижтимоий-сиёсий", "Маънавий-маърифий адабиётлар", "Замонавий наср", "Мумтоз адабиёт", "Насрий асарлар", "Жаҳон адабиёти дурдоналари" каби бўлимлардаги нодир китоблар харидорларнинг эътиборини ўзига тортмоқда.

**Умиджон МАМАРАСУЛОВ**

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

# БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ОЛАМИ

ШАРҲ

**Яқинда БМТнинг гуманитар масалаларга бағишланган саммитида сайёрамизда ёрдамга муҳтож инсонларнинг бахт-саодати йўлида биргаликда ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Унда ватанларидан айрилган муҳожир болаларнинг таълими билан боғлиқ масала кўтариб чиқилди.**



БМТ глобал таълим масалалари бўйича махсус вакили Гордон Браун БМТнинг Болалар жамғармаси(ЮНИСЕФ), ЮНЕСКО, БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссарлик бошқармаси, БМТнинг Тараққиёт Дастури, Жаҳон банки ва бошқа халқаро агентлик, ноҳукумат ташкилотлари ва донорларнинг уч йиллик фаолияти натижаси ўлароқ, янги жамғарма ташкил қилинганини таъкидлаб ўтди. Гордон Браун жамғарма янги ўқув йилидан бошлаб фаолиятини бошлашига умид билдирди..

Бугунги кунда 75 миллионга яқин бола қуролли тўқнашув ва табиий офатлар туфайли азият чекмоқда ва бу ҳолат уларнинг билим олиш имкониятидан маҳрум қилган. БМТ вакилларининг айтишича, муҳожирлар болаларига таълим бериш орқали улар келгусида илм-маърифатли инсонлар бўлиб етишади ва шу йўсинда радикал гуруҳлар сафларига кириб қолишининг олди олинади. Гуманитар ёрдам бўйича еврокомиссар Христос Стилианидиснинг фикрича, ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот муҳожир болаларнинг таълим олиши учун жорий қилинган дастур бюджетини 4 баробар кўпайтиришга қарор қилган. Таълим олиш муҳожир болаларни радикаллашувидан, меҳнат қилишга мажбурланишдан, қизларни эрта турмушга чиқишдан ҳимоя қилар экан. Бугунги кунда дунёда 168 миллионга яқин бола меҳнат қилишга мажбур этилмоқда. Шундан 5 миллиони қуллик шароитида ишлайди. Хусусан, Осиё-Тинч океани минтақасидаги мамлакатларда 78 миллион, Африкада 59 миллион, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида 13 миллион, Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада эса 9 миллиондан ортиқ бола мажбурий меҳнатга маҳкум.

Бугунги кунда муҳожирлар билан боғлиқ глобал инқироз нафақат катталарни, балки болаларни ҳам ўз домига тортмоқда. БМТнинг Болалар Жамғармаси(ЮНИСЕФ) ўз мамлакатларидаги инқирозли вазиятлар туфайли илм олишдан бебаҳра қолаётган болаларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 3,85 миллиард доллар тўплашга қарор қилди. “Таълим кутиб тура олмайди” (Education Cannot Wait) деб номланган жамғарманинг асосий мақсади инқирозли мамлакатларда болаларнинг таълим олишини таъминлашдан иборатдир.

Айни дамда АҚШ, Норвегия ва Европа Иттифоқидаги бир қатор гуманитар масалалар билан шуғулланувчи ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари жамғармага маблағ ўтказишган. ЮНЕСКО бош директори Ирина Бокова “Таълим кутиб тура олмайди” жамғармасини қўллаб-қувватлашини билдирган. Турли можаролар, табиий офатлар оқибатида ўз юртларини ташлаб чиқишга мажбур бўлган миллионлаб болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида зудлик билан зарур чора-тадбирларни кўриш керак, дейди бош директор. Янги жамғарма фаолияти ушбу масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Жамғарма яқин беш йил давомида 3,85 миллиард доллар тўплаб, 13,6 миллион боланинг таълим олишини таъминлаши керак. Жамғарма 2030 йилга бориб 75 миллион боланинг таълим олишига ёрдам кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Таҳлилчиларнинг фикрича, бугунги кунда мактаб ёшидаги ҳар тўрт боладан бири инқирозлар давом этаётган минтақаларда истиқомат қилади. Бу тахминан ярим миллиард боланинг таълим олишдан бебаҳра эканини ёки сифатсиз таълим олишга мажбурлигини, шунингдек, ҳар қандай вазиятда ўқишни ташлаши мумкинлигини англатади.

Яқинда эълон қилинган “Ўзимизни оқламайлик” номли ҳисоботда айтилишича, муҳожир болаларнинг атиги 50 фоизигина бошланғич мактабга қатнайди. Ўрта мактабга эса муҳожир болаларнинг атиги 25 фоизи бориши айтилади. Ҳисоботга кўра, 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган ҳар тўрт боланинг биттаси гуманитар инқироз кузатилаётган мамлакатда истиқомат қилар экан. Сўнгги беш йилда Сурияда 6 мингта мактаб вайрон бўлди. Украина шарқида эса ҳар бешта мактабдан бири бузилган ёки зиён кўрган.

Қуролли можаро, зўравонлик, очлик ва қулликдан ер юзида миллионлаб болалар азият чекмоқда. БМТнинг Болалар Жамғармаси(ЮНИСЕФ) Европага катталарнинг ҳамроҳлигисиз келган болаларни ҳимоя қилиш йўлида зудлик билан чора-тадбирлар кўрилишига даъват қилмоқда. Улар одам савдоси билан шуғулланувчи гуруҳларнинг қўлига тушиб қолиши мумкин. Интерпол маълумотларига кўра, бедарак йўқолган муҳожир ва қочқинларнинг ҳар тўққизтасидан биттасини болалар ташкил қилади. БМТ Болалар жамғармаси Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларга мурожаат қилар экан, муҳожир ва қочқинларнинг болаларига оид қабул қилинадиган ҳар қандай қарор болалар манфаатларига хизмат қилиши лозимлигини эслатиб ўтди. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, ўтган йили 96 ярим мингдан ортиқ бола Европа мамлакатларидан бошпана сўраган.

Йўқотилган болаликни бошдан кечирган нигериялик 9 ёшли қизча терроризмнинг болаларга таъсири ҳақида китоб ёзди. Сплендор Жо Абиса мамлакат шимолидан қочиб кетган болаларнинг ҳаётини тасвирлашга уринган. Унинг битта фикри диққатга сазовордир. У ёзади: “Террорчиларнинг ҳаммаси қачонлардир бола бўлган. Агар уларга ўз вақтида таълим берилганида-ми, улар, балки террорчи бўлмасмиди”.

Афсуски, 9 ёшли қизалоқ тушуниб етган масаланинг моҳиятини айрим давлатларнинг етакчилари, корчалонлар, вазхонлар тушуниб етаётгани йўқ. Келтирилган рақамларни чоғиштириш, ҳисобот беришнинг ўзи етмайди. Бу аҳволни яхшилаш чора-тадбирларини кўриш керак.

Хўш, нима қилиш керак? Кимдан қайси мамлакатдан андоза олиш мумкин, деган саволга бирга жавоб излаб кўрайлик.

Айни кунда жаҳон болаларининг тақдири ҳақида гап кетганда, албатта, Ўзбекистонда бу масалага қандай эътибор қаратилаётганини айтиб ўтмасдан бўлмайди. Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини болалар ташкил этади. Уларни ҳар жиҳатдан соғлом, комил инсонлар бўлиб вояга етиши, етарли даражада таълим ва тарбия олиши давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Айтиш керакки, Истиқлол йилларида бола ва бола ҳуқуқларига доир мамлакатимизда юздан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси болалар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига оид 38 та халқаро ҳужжатларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда турли йилларнинг Она ва бола йили, Соғлом бола йили, Ёшлар йили, хусусан, жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб номланишининг ўзиёқ ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси, десак муболаға бўлмайди.

Бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли кейинги йилларда оналар ўлими 3,1 баравар, гўдаклар ўлими эса 3,2 бараварга қисқарди. Ватанимизда “Она ва бола” скрининги” дастурининг амалга оширилиши натижасида туғма ногирон болалар туғилиши кейинги ўн беш йил мобайнида 1,8 мартага камайди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий моделининг рўёбга чиқарилиши муносабати билан эндиликда Ўзбекистон дунёда болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан мустаҳкам жой эгаллаб турибди. Ёш авлоднинг билим, тарбия олиши, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида юртимиз дунё ҳамжамиятида етакчи ўринларда бораётгани ҳар биримизга фахр ва ғурур бағишлаши турган гап.

Дунёнинг кўпгина халқаро институтлари бугунги кунда хотин-қизларга қулай шарт-шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида Ўзбекистон юқори ўринда эканини эътироф этмоқда. Шу ўринда мустақиллик йилларида яқин ўтмишда хотин-қизлар орасида кенг тарқалган анемия касаллиги 2,2 баравар камайганини ҳам айтиб ўтиш керак, деб ўйлаймиз. Туғилаётган чақалоқларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, уларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашда, оилалар, ота-оналар масъулияти ортаётганининг ҳам самарасидир.

Айни пайтда республикамизда 2 миллиондан зиёд болалар ўттиздан зиёд спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда ва кейинги ўн йил мобайнида Ўзбекистонда болаларни спортга жалб этиш 1,5 бараварга ошди. Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги ёрқин, йўллари нурафшон бўлади. Зеро, энг болажон халқ бўлган миллатдошларимиз ўз дилбандларини бахтли-саодатли, эртанги куни порлоқ инсонлар бўлишини истайди. Ва бу йўлда асло ўз куч-ғайратини аямайди.

*Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизда болаларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларни халқаро миқёсда тарғиб этиш, конференциялар ўтказиш зарурати пайдо бўлмоқда. Токи, дунё болалари ҳам мамлакатимиздаги каби тинч ва фаровон ҳаёт кечиришсин, комил инсонлар бўлиб етишсин.*

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ**

---

БУ ТУРФА ОЛАМ

## ЖИНОЯТНИ АНИҚЛАШДА ҚАЙСИ ОМИЛ МУҲИМ?

**Жиноятни ўз кўзи билан кўрганлар жараёндаги қайси жиҳатни кўпроқ эслаб қолиши мумкин: қандай жиноят содир этилганими, жиноятчи ва жабрланувчининг ирқи ё жинсими? Колумбия университети тадқиқотчилари ўтказган тажриба ушбу саволларга жавоб топди.**




Тажрибада турли ирқ ва жинсга мансуб тўрт гуруҳ кўнгиллилар иштирок этди. Уларга афроамерикалик жиноят содир этган жой суратга олинган видео қўйиб берилди. Бирида оммавий қотиллик, бошқасида автомобилда ўтаётган йўловчига ўқ узиш саҳнаси намойиш этилди. Ҳар бир саҳнада жиноятчининг ирқи ва жинси ўзгартирилди. Тажрибанинг иккинчи босқичида қатнашчилар юзлаб суратлар орасидан компьютер орқали юз тузилишининг айрим қирралари ўзгартирилган ўша жиноятчиларни топиши лозим эди. Бунда жиноят содир этилган жараён кўпроқ роль ўйнаши маълум бўлди. Масалан, жабрланувчилар қора танли бўлса, гувоҳлар жиноятчини осонгина топишди. Оммавий қотиллик саҳнасидаги жиноятчини ҳам топиш қийин бўлмади. Жабрланувчи оқ танли бўлганда эса иштирокчилар кўп янглишишди. Бундан хулоса шуки, қора танлиларни ташқи кўринишидан ажратишда одамлар хатога йўл қўйишаркан.

ДНК таҳлили орқали аниқланишича, кейинги йилларда жазога тортилган қора танлиларнинг кўпи ноҳақ айбланган. Бунда эса гувоҳлар берган маълумотлар катта роль ўйнаган. Тадқиқотчилар ушбу тажриба суд тизимида тўғри қарор қабул қилишда асқотади, деб умид қилишмоқда.

## ОЛТИНЧИ ҲИССИЁТ ИШ БЕРМАСА...



**Хьюстон университети ва Техас транспорт институти мутахассислари автомобиль бошқараётган кишини чалғитадиган ва автоҳалокатга сабаб бўладиган воситалар орасида СМС хабарлар катта роль ўйнаши мумкинлигини аниқлашди.**

Бунинг учун олимлар тажрибада қатнашган 59 нафар кўнгиллига йўлнинг маълум қисмидан тўрт марта қайта ўтишни таклиф қилишди. Биринчи бор ўтганда ҳайдовчилар ҳеч нимага чалғимай, хотиржам автомобиль бошқаришди. Кейингилари — хаёлига келган вазифанинг ечимини топиш, саволларга жавоб қайтариш, диққатини тортаётган нарсага эмоционал таъсир уйғониши ёки жўнатилган хабарга жавоб беришдан иборат бўлди. Қатнашчилар тўрттала синовдан ҳам тасодифан ва навбатма-навбат ўтиб борди. Биринчисини истисно қилганда, ҳайдовчилар ҳар бир синовда асабий ҳолатда бўлишди. Айниқса, матнли хабарга жавоб беришда улар руль бошқарувидан чалғиб, автоҳалокатга дучор қилиши мумкин бўлган вазиятни юзага келтиришди. Бошқа чалғитувчи факторлар эса тартибни, ҳатто меъёрдагидан ҳам яхшироқ ушлашга ундади.

Олимларнинг фикрича, бу миянинг маълум бир нуқталаридаги фаолликка боғлиқ ва улар хатоларни тўғирлаб боришга ундайди. Масалан, йўлнинг эгри-бугри жойлари мия бошқаруви остида қўл ҳаракатларини тўғрилашга, яъни автомобиль рулини диққат билан бошқаришга чақиради. Ўз навбатида кўз ҳам йўлга қаратилади. Матнли хабарга жавоб берганда эса бу ҳаракатлар чекланади, яъни олтинчи ҳиссиёт иш бермайди ва автоҳалокатга йўл очилади.

Олимлар эндиликда ҳайдовчини хавфли вазиятлардан огоҳ этувчи автоматик тизимни тадқиқ қилишга киришган.

## ТЕЛЕМЕДИЦИНА ТИРИК ШИФОКОРДАН АФЗАЛ...МИ?



**Ҳа, америкаликлар шундай дейишмоқда. Гарвард тиббиёт мактаби тадқиқотчилари сўнгги ўн йилликда телетиббиёт хизматига эҳтиёж сезувчилар сони 28 фоиз кўпайганини аниқлашди. Телемедицинанинг асосий вазифаси ахборот технологиялари ёрдамида тиббий хизмат аудиториясини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга қаратилган. Бу асосан, тиббий муассасаларга бориш вақти, имкони чекланган даволанувчилар учун қулай. Бундай хизмат турини кенгроқ ёйиш мақсадида Америка штатларининг ярмидан кўпроғи унга доир қонунни қабул қилишди.**

Ҳозирги вақтда АҚШ "Medicare" суғурта компанияси телемедицина хизмати орқали даволанувчилар, айниқса, тиббий муассасалар ёрдами чекланган, аҳолиси кам, чекка ҳудудда яшовчиларнинг суғуртаси учун маблағ ажратишга киришган. 2013 йилда катта шаҳарларда яшовчи 40 мингдан кўпроқ киши масофадан туриб тиббий ёрдам олган. Руҳий ҳолати бузилган ва камбағаллар телемедицина хизматининг асосий фойдаланувчилари ҳисобланади.

Тадқиқотчиларнинг гапига қараганда, бу хизмат турининг ривожига тўсиқ бўлувчи айрим сабаблар бор. Ишнинг натижаси эса давлат амалдорларига бу тизимни яхшилаш ва кенгайтиришга асос бўладиган талаблар ҳақида маълумот беради.

**Интернет материаллари асосида Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.**

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Тансиқбоев-3 даҳаси, 34-уй, 59-хонадонга тегишли уй-жой кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

---

ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ

# Ғаройиб орол мамлакатлар

### ТОШБАҚАЛАР МАКОНИ

Дунёда шундай жойлар борки, уларнинг номи жуда ҳам машҳур эмас. Фақат география дарсликларида, атлас-хариталарда ёхуд энциклопедиялардагина улар тўғрисида маълумотлар учрайди. Бироқ саргузашттталаб, экзотикага ишқибоз кишилар учун улар ниҳоятда севимли жой ҳисобланади. Масалан, Сейшел оролларини олайлик.

Бу ўлкани узоқ асрлар давомида қароқчилар макон қилиб келган. Нега дейсизми? Дунёнинг бир чеккасида, халқона ибора билан айтганда овлоқ бир гўшада туриб олиб, ўтган-кетганнинг кемасига ҳужум, мол-мулкига тажовуз қилиш учун бу ер жуда қулай ҳисобланарди-да! Инсоният бахтига, тараққиётнинг ўзи бундай кимсаларнинг пайини деярли қирқди. Бугун у жойларда қароқчилар йўқ. 90 мингдан зиёд аҳоли бугун замонавий цивилизация шароитида истиқомат қилади.

Пойтахти Виктория, инглиз, француз ва сейшел тиллари давлат тиллари ҳисобланади.

Алдабра Сейшел таркибидаги экзотик ороллардан бири. У ерни 152 мингта йирик тошбақа макон айлаган.

Агар сизга кимдир мазкур орол ҳақида нималар биласиз, деб сўраб қолса, бемалол бу жониворлар тўғрисида гапириб беришингиз мумкин. Ўзига хос табиати, ҳайвонот ва наботот олами туфайли бу орол 1982 йилдан ЮНЕСКО ҳимоясида.



### ПАЛАУ

Палау Республикаси Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган ороллардан иборат мўъжаз диёрдир. Ороллар Филиппин шарқидан Индонезия шимолига қадар 800 километргача бўлган ҳудудни эгаллайди. 328 та оролдан иборат мамлакат ҳудуди 458 квадрат километр бўлиб, унда 22 мингта яқин киши истиқомат қилади (2014 йилда 21 186 киши бўлган). Давлат тиллари инглиз ва палау тиллари.

Мамлакат 16 та штатдан ташкил топган. Пойтахти Нгерулмуд шаҳри.

#### Тарихи

Палау оролларида одамлар деярли беш минг йилдан бери яшаб келади. Тарихчиларнинг маълумотига кўра, бу ерни илк бор ҳозирги филиппинликларнинг аждодлари макон тутган. Улар бу оролларда бир неча минг йил яшаган. Фақатгина XII асрга келиб қўшни ороллар аҳолиси билан турли тўқнашув ва келишмовчиликлар оқибатида улар она ерларини тарк этишга мажбур бўлганлар.

1543 йилда испаниялик Руи Лопес де Вилялобос раҳбарлигидаги экспедиция Палау оролига қадам қўйган. Шундан сўнг Испания бу оролларни эгаллаш учун ҳаракатни бошлаган ва 1686 йилга келиб уни ўз тасарруфига олган.

Кўп асрлар давомида Палау ҳудудлари босқинчилар ўртасида талаш бўлиб келди. Фақатгина 1994 йилга келиб бу юрт мустақилликка эришди. Ўша йилнинг 1 октябрида Палау мустақил давлат сифатида расман эълон қилинди.

#### Табиати

Иқлими тропик, серёмғир, йиллик ўртача ҳарорат 24—28 даража иссиқ. Ёмғир мавсуми май ойидан ноябрь ойигача давом этади.

Ороллар атрофидаги сувларда 1500 турга яқин тропик балиқлар, кўплаб кичик турдаги камёб сутэмизувчилар яшайди. Экологларнинг айтишига қараганда, Палауда 130 турга яқин қирилиб кетиш хавфи остида қолган акулалар яшайди. Тропик боғларида камёб турдаги орхидея ва кўплаб экзотик гуллар ўсади, 50 турга яқин қушлар яшайди. Оролда миллионга яқин умуман чақишни билмайдиган медузалар яшовчи “Медуза” кўли бор.

**Хосият ШОКИРОВА тайёрлади.**

## БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

***— Мен шу йили касб-ҳунар коллежини тамомлаб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмоқчиман. Коллеж битирувчилари учун бор имтиёзлар ҳақида маълумот берсангиз.***

Пастдарғом туманидан
Алишер Нуриддинов

*— Мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшлар тадбиркорлиги ҳамда уларнинг иш билан таъминланганлик масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

*Коллежда ўқишни тамомлаганига 3 йилдан ортиқ бўлмаган, давлат рўйхатидан ўтган ҳамда юридик шахс устав фондида 50 фоиз ёки ундан ортиқ акцияга эга бўлган битирувчилар кредитлаш субъектлари ҳисобланади.*

*Микрокредитлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган субъектларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача. Юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритаётган субъектларга эса — энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорида, 6 ойдан 12 ойгача имтиёзли давр билан берилади.*

*Бундан ташқари, касб-ҳунар коллеж битирувчилари якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилиши белгиланган.*

***— Мен вақтинча ишсизман. Уйда ўтирган ҳолда тадбиркорликнинг қайси турини амалга оширсам бўлади? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.***

Шайхонтоҳур туманидан
Азиза Носирхўжаева

*— Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ жойлардаги иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ишларини бажаришга жалб этиш, фуқароларнинг ижтимоий ва меҳнат кафолатларини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.*

*Жисмоний шахслар уйида истиқомат қилган ҳолда тадбиркорликнинг касаначилик шакли билан шуғулланишлари мумкин.*

*Касаначилик бу — тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ иш берувчининг буюртмалари бўйича товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича амалга ошириладиган фаолият ҳисобланади.*

*Касаначилик фаолияти жисмоний шахснинг яшаш жойида ёки унинг оила аъзоларига тегишли бўлган биноларда амалга оширилиши мумкин. Бунда тураржой биноларини нотураржой бинолар тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди. Шу билан бирга, фаолиятни амалга ошириш учун рўйхатдан ўтиш талаб этилмайди.*

*Касаначилик билан 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги жисмоний шахслар шуғулланишлари мумкин. Меҳнат шартномаларига эга бўлган касаначилар иш билан банд бўлган аҳоли тоифасига киритилади ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади. Касаначининг ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади.*

*Бундан ташқари, касаначига иш берувчи томонидан берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарлар фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод қилинади. Шунингдек, касаначилар фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан текшириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш берувчи корхонани текшириш вақтида ўтказилиши мумкин.*

**Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими М. НАСУЛЛАЕВ жавоб берди.**



# Аждодларга муносиб ёшлар

## ЗАМОН ЎЗГАРИШЛАРИ

Истиқлол бизга ўзлигимизни қайтарди, ота-боболаримиз қандай зотлар бўлганини англаш имконига эга бўлдик. Дарҳақиқат, мустабид тузум даврида қадим Мовароуннаҳр диёрида туғилган ва дунёга довруқ солган аждодларимизнинг ҳаммасини билармидик, уларнинг қандай оламшумул кашфиётлар қилганидан тўла хабардормидик? Афсуски, бунга ижобий жавоб бера олмаймиз.

Илк ўрта асрларда буюк мутафаккирларимизнинг Ислом фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида гапирганда, аввало, мусулмон дунёсида "муҳаддислар султони" сифатида шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг исми шарифлари ёдга келади. Улуғ аллома томонидан умри давомида тўпланган энг ишончли ҳадислар тўплами — "Ал-жомъе ас-саҳиҳ" асари Ислом динида "Қуръони карим»дан кейинги муқаддас манба саналади. Ватанимизнинг яна бир улуғ фарзанди Ислом ҳуқуқшунослигининг улкан вакили Бурҳонуддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" номли асарини бутун дунё билади. Шу боисдан у Шарқ оламида "дин ва миллатнинг ҳужжати" деган мўътабар унвонга сазовор бўлган.

Шарқ ренессансининг пешволари бўлган Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий каби алломаларнинг илм-фандаги кашфиётлари минг йиллар аввал Европа ҳудудларига етиб борганини манбалардан ўқиб бугун ҳар биримиз ғурур ва фахр туямиз.

Хусусан, "алгоритм" атамаси билан номини жаҳонга абадийлаштирган бобомиз Муҳаммад ал-Хоразмий томонидан яратилган, кейинчалик араб рақамлари деб ном олган рақамлар (1,2,3,4,0 ва ҳоказо) Рим папаси буйруғи билан Европа давлатларида жорий этилгани юқоридаги фикримизни яққол исботлайди. Бундан ташқари, X асрда Италияда ташкил этилган тиббиёт мактабида Абу Али ибн Синонинг "Тиб Қонунлари" китоби ўқитилган ва у кейинчалик бутун Европага тарқалиб, XIX аср охирларигача тиббиёт мактабларида дарслик сифатида ўқитилган.

Мустақиллик шарофати билан орадан минг йилдан зиёд фурсат ўтиб бугунги ёшларимиз учун илм-фан йўлида катта имкониятлар эшиклари очиб қўйилганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, уларнинг турли халқаро танловларда, олимпиадаларда юқори ўринларни эгаллаётгани аждодларимизга муносиб авлод етишиб келаётганидан дарак беради. Фарзандларимизни мустақил ва теран фикрлаш қобилиятига эга, онгли, комил инсонлар этиб вояга етказиш бугун таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади эканини нафақат биз педагоглар, балки каттаю кичик яхши англаб турибди. Юртимизда таълим соҳасига катта эътибор кўрсатилаётгани бежиз эмас. Чунки бугунги кунда ёшларни маънавий, интеллектуал жиҳатдан етук кишилар қилиб тарбиялашни уддалай олсак, шак-шубҳа йўқки, миллатимиз келажаги ёруғ бўлади.

Шу маънода, давлатимиз ёшлар таълим-тарбиясини ҳамма нарсадан устун қўйгани ҳолда, бор имконият ва кучни унга сарфлаяпти. Жумладан, биргина 2016 йилда таълим-тарбия соҳасига давлат бюджетининг 33,7 фоизи сарфланиши кўзда тутилмоқда. Шу ўринда мамлакатимиз олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилаётган маблағлар ҳажми ҳам тобора ошириб борилаётганини айтиб ўтиш зарур.

Юртимизда истиқлол йилларида 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Бу эса пировардида, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ёки академик лицейларда таҳсил олиш имкониятига эга бўлдилар. Яна бир муҳим жиҳат, ҳар бир коллеж бугун малакали ишчи кучи буюртмачилари бўлган муайян корхоналар билан ҳамкорлик қилмоқда ва битирувчиларини ўша корхонага йўлламоқда.

Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, таълим муассасаларини замон талабларига мос равишда таъмирлаб, жиҳозлаб бориш, моддий-техник таъминотини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш каби масалалар давлатимиз сиёсатининг доимий тамойили бўлиб қолаётгани ҳар биримизга чексиз қувонч бағишлайди. Чунки олдимизда турган юксак эзгу мақсадимиз — мамлакатимизнинг эртанги куни, эркин ва фаровон ҳаётимиз XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллашимиз авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишлари билан боғлиқ.

**Гулнора МЕНГЛИБОЕВА,**
**Олмазор Политехника касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси**

## АКС-САДО

"Hurriyat"нинг 2016 йил 24 февраль сонида эълон қилинган "Қизим сенга айтаман..." (муаллиф Дилбар Пўлатова) номли мақоладаги кўп фикрлар менга манзур бўлган эди. Бироқ баъзи мулоҳазалар уйғотгани ҳам рост.

# КЕЛИН БЎЛГАН БИЛАР...



Машҳур ҳофизлардан бири куйлагандай, келин бўлган билар келин аҳволини. Ўша онахон ҳам бир пайтлар келин бўлган, эндиликда қайноналик мақомига эришибди. Аммо бугунги замона ҳар бир йигит-қиздан илмли, чаққон, тезкор ва зеҳнлиликни талаб қилмоқда. Бу катта ёшли кишиларни ташвишга солаётгани таажжубланарли ҳол. Чунки институт ёки ишига шошилиб турган келин сизга аввалгидай (сиз келин бўлган даврдагидек) мулозамат кўрсатолмайди. Чунки вақт тиғиз, телефонида бир неча учрашувлар, бориши керак бўлган манзиллар белгиланган. Бунинг устига ўқиш жойи ёки ишидан берилган вазифаларини ҳам ўйлаши зарур ва яна агар у фарзанд кутаётган бўлса-чи... Ахир, ахборот ва компьютер технологиялари асрида яшаяпмиз. Ҳар ким шу давр талабига яраша шошилмоғи, айниқса, яшашга, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилмоғи зарур. Хуллас, уй-рўзғор ишларию келинлик мулозаматларига кам вақт қолаяпти.

Ўзим зиёли хонадонга келин бўлганман. Оиламиз жуда аҳил. Қайинсинглим билан дугоналардаймиз, уй юмушларини бирга бажарамиз. Қайнонам ва қайнотам жуда меҳрибон, менга худди ўз фарзандларидай муомала қиладилар. Турмуш ўртоғим ҳам ҳамиша қўллаб-қувватлайди. Баъзида ўзимни уларга мос келин бўлолмаётгандай, хизмат қилиб етарлича кўнгилларини ололмаётгандек ҳис этаман.

Мақолада эътироф этилгандай дангаса, танноз, қўлидан телефон тушмайдиган, ўй-хаёли фақат яхши кийинишу пардоз-андозда бўлган тенгдошларимиз ҳам йўқ эмас. Нима ҳам дейман, уларга орият, виждон ато этилмаган бўлса, начора. Ўзларига қийин. Муҳими, ният холислиги-да! Тўғри, холис ва гўзал ниятлар билан келин бўлиб борган хонадонида фақат дашному танбеҳдан боши чиқмай, кунора ота уйига келаётган келинлар ҳам йўқ эмас. Бир дугонам гўзал орзу-ниятлар билан турмуш қурганди. Унинг чаққон, пазандалигига сира шубҳа қилмайсиз. Кўп бора унинг уйида бўлиб, пиширган таомларию, пишириқларидан баҳраманд бўлганмиз. Муомаласи ҳам яхши, бировнинг дилини оғритадиган эмас. Афсуски, келин бўлиб тушган дастлабки кунлариданоқ қайнонасига ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ кўриниб, дашном эшита бошлади. Бу кўргиликларнинг бош сабаби эса уйидагилари келин чарлар қилиб, уларга тузукроқ совға-салом қилмаганларида экан...

Бошқа миллат вакилларидан турмушимизга ҳавас қилиб, сизларда ёшлар катталар ҳурматини жойига қўйиб, бутун умр бирга-бирга яшашади. Шундан фарзандларингиз андишали, ибратга лойиқ кишилар бўлиб етишади, деб кўп таъкидлайдилар. Бундай тинч, аҳил, авлодлар алмашинуви асосига қурилган турмушимизга сира кўз тегмасин. Биз ёшларни тўғри йўлга бошлаб, кундалик ҳаётимизда ўрнак ва ибрат кўрсатиб, яна ўз меҳнатларию, қолаверса, топган-тутганларини биз билан баҳам кўриб, кўмаклашиб яшаётган қайнона-қайноталаримиз, ота-оналаримизнинг олтин бошлари омон бўлсин.

**Дилором ТЕМИРОВА**
*Зангиота тумани*

## ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ

Кундалик рўзғор юмушлари, ширин-ширин фарзандлари тарбияси билан қанчалик овунмасин, Заргулнинг хаёлидан ота уйи, жон жигарлари кетмайди. "Туғишганларим, қариндошларим — ҳаммаси соғ-омонмикан, тинч-хотиржаммикан?". Ана шу ўй билан у яқинларига Аллоҳдан яхши кунлар тилайди.

# ОПА

Эҳ, қиз қалби... Қадимгилар қайси хонадонда қиз фарзанд туғилса, бежиз айтишмаган экан: "Ҳа, яна битта тилавдош (тилакдош) дунёга кепти...". Қиз барча яқинларини ўйлар, уларнинг ғамини ўзиники билар, чин дилдан қайғурар экан.

Заргул палахмон тоши янглиғ узоққа отилди — қишлоғидан уч юз чақирим келадиган катта шаҳарга келин бўлди. Ибоҳаёли, покиза ниятли, хушфеъл қизга бахт ёғилаверар экан. Келин бўлиб тушган хонадонидагиларнинг бари уни ҳурмат қилади, қадрлайди. У ҳам яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтаради. Фарзандлари тўртта. Ҳар бири бир дунё. Қисқаси, Заргулдан бахтлироқ аёл йўқ. Аммо... Ўша хавотир ҳануз уни буткул хотиржам қилолмайди: "Ишқилиб, жигарларим омон бўлсин...".

Шу кунларда у барча яқинларини, ёшлигида ўйнаб ўсган ариқ бўйиларини, беғубор шўхликлар қилган азиз дамларини жуда соғинган.

Қимтинибгина аввал эридан, сўнгра қайнотаси билан қайнонасидан ота уйига бориб келишга рухсат сўради.

— Болам-ей, — деди қайнонаси. — Соғинчнинг давоси дийдор-да! Боринг, невараларимниям ўйнатиб келасиз.

1

Ўша куни Заргул тун бўйи мижжа қоқмай, ширин-ширин хаёллар суриб чиқди. Эртасига эрталаб йўлга тушди.

Етгунча уч ярим, тўрт соат йўл босиши керак. Боласининг бирови уйқуси келиб инжиқлик қила бошлади. Уни бир иложини қилиб машина ичида ухлатди. Яна бироздан кейин бировининг кўнгли айниб бетоқат бўлди. Заргул ҳайдовчидан бир пас тўхташни илтимос қилди.

Туғилган гўшасига, онаси бағрига етгунча йўл бўйи бутун куч-қувватини, жону танини тўрт боласига тўрт бўлиб, нафас олди. Аммо дили шодликка тўла эдики, йўл машаққатлари унга умуман сезилмади.

Мана, машина ота ҳовлисининг дарвозаси олдида тўхтади.

О, бу ҳаяжон, қувончни таърифлашга сўз бормикан?

Онаси билан қучоқлашиб кўришар экан, унинг юзида аллақандай андуҳни кўриб, бирдан кўнгли ғаш тортди.

— Салима қани, эна? — сўради Заргул.

— Салима мол дўхтир излаб кетди, — деди онаси. — Бугун тушдан кейин мактабда ўтадиган дарслари ҳам қолиб кетди. Икки-уч кундан бери соппа-соғ сигири оёқда туролмай йиқилиб тушаяпти. Нима бўлган экан, бу жониворга, тили бўлса экан, айтса.

Бир пасдан кейин Салиманинг ўзи келиб қолди, чарчаган, кўзлари киртайиб қолган, кайфияти йўқ. Заргул ичида ўйлади: мана шу гулдан гўзал синглиси бахтидан тинмади. Иккита боласи билан ота-онасиникига қайтиб келди. Болаларининг каттаси уч яшар, иккинчиси саккиз ойлик.

Аёл бечора нима қилсин, у турмушим бузилсин дейдими? Салима турмушимни бузмайин деб роса тиришиб кўрди. Эрининг ҳамма хўрликларини кечирди, лекин ношуд куёв хотинга кучини кўрсатишдан тўхтамади. Унинг жўраларига: "Хотин зотининг кўзини уриб қўрқитиш керак, бўлмаса у бошга чиқиб

2



олади, билиб қўйинглар" деган "доно" гаплари Салиманинг ҳам, онасининг ҳам қулоғига етди-ю, муштипар кампир чидай олмади. Мана, олти ойдан бери Салима ўз ота-онасиникида яшаяпти.

Ҳарқалай, вақтида ўқиб олган экан, мактабдаги иши билан овунади. Бўлмаса, ёлғизлик...

Турмуши бузилган аёл ўз ота уйига сиғмаётгандек ҳис қилади баъзан. Ота-она, ака-укалари майли, келин-янгалар билан муносабат-чи? Уларнинг олдида гўё тили қисиқ, уларнинг кўнглига қарайди, ёмон кўринмаяпманми, деб ташвиш чекади. Ҳартугул, ота-онанинг кўзи очиқ. Заргул синглисини ғамгин кўрди.

3

Нима қилсин, унинг дардини ололмаса. Тағин келинлару ака-укалари қолиб, Салиманинг сигир ташвишида мол дўхтир излаб юрганидан аччиғи келди. Лекин нима десин, нима қилсин, у ойда-йилда бир келиб-кетадиган жон. Бировнинг дилини оғритмай дейди.

Мол дўхтири ҳам келиб қолди. У жойидан туролмаётган сигирдан ҳеч қандай касал топа олмади.

Заргул қишлоқда мол-ҳол қараб катта бўлган эмасми, битта ҳовли болалари боқаётган молларнинг нега ҳаммаси эмас, биттаси касал, деб ўйлади-да, шубҳаланди. Унинг ўзи уч-тўрт бўлак нонни сигирнинг олдига ташлаган эди, жонивор ётган жойида нонни шошиб-пишиб еб қўйди. Заргул томорқага кирди-да, яхши ўсган ўтлардан бир тутам юлиб келиб сигир олдига ташлади.

Жонивор ҳаш-паш дегунча униям паққос туширди. Меҳмон бўлиб келган Заргул сигирга сув берди, бечора мол икки пақир сув ичди. Меҳмоннинг фиғони фалакка чиқди, лекин билдирмади. Яна бир қучоқ ўт юлиб сигирга берган эди, мол шу ўтларни еб бўлгач, астагина, ҳеч кимнинг ёрдамисиз жойидан қўзғалди.

Сигирни отаси Салимага атаган эди. Мана гап қаерда, на ака-укалар, на келинлар, на уларнинг болалари бу сигирга тузукроқ қараган. Бошқа моллар ҳаммаси семизлигидан йилтиллайди. Нега? Одам деган ҳам шунчалар пастлик қилиши мумкинми? Ахир, ота-онанинг кўзи очиқлигида ўз жигарининг молига шунчалик қилишяпти, эртага, Худо кўрсатмасин, чол-кампирга бир нарса бўлса, Салиманинг ўзини ҳам бу ерларга сиғдиришмас экан-да...

Заргулнинг кайфияти бузилганини пайқаган онаси Заргулга ичкарига, менинг олдимга кир, деб имо қилди.

— Болам, сен ҳар замонда келиб-кетадиган меҳмонсан. Оғирроқ бўл, ҳеч қайсисига ҳеч нарса дема, жон болам, — деди онаизор. — Баринг бирдай боламсан. Ота-боболаримиздан, момоларимиздан қолган гап бор-ку, у бармоғимни тишласам ҳам оғрийди, бу бармоғимни тишласам ҳам оғрийди деган, мана шу аҳвол ҳозир менинг бошимга тушиб турипти. Сен бунчалик безовта бўлма, уйингга кетганингдан кейин ўзимиз ётиғи билан гаплашиб, келишиб оламиз.

4

Заргул рози бўлиб бош ирғаб қўйди. Лекин кўнглига қил сиғмай қолди. Тавба, ёшлигида ҳаммаси битта товоқдан, битта ёки иккита қошиқ билан овқат ейишар эди. Бир-бирига бегумон дўст эди. Эндичи?

Кечаси опа-сингил ёнма-ён ётишди. Ёлғизнинг болиши тошдан, жуфтликнинг болиши пардан, деган гап чинлигига опа ишонди.

Опа-сингил роса дардлашишди, кўнгилларини бўшатиб-бўшатиб олишди. Охири опа синглисига янги уй солиб, бу қадрдон хонадондан кўчиб кетишни маслаҳат берди. Сингил рози бўлди, жигарлари қараб турмас, қайишар...

Икки кун ўтиб Заргул уйига кетадиган бўлди. Ҳамма билан яхши кайфиятда хайрлашди. Айниқса, онаси, шунча дилхиралikларни кечира олган, ҳамма-ҳаммасини ичига ютиб, қалбини дарё қила олган онажони ўзини дадил тутиб хўшлашди. Машина эндигина икки-уч метр юрганида она қўлини безовта силтаб машинани тўхтатишни илтимос қилди ва тез-тез юриб келиб, эшикни очиб Заргулга жовдираб қаради, астагина, хафа бўлмай кеттин-да, болам, хафа бўлмай кет, деди.

Меҳмон бўлиб келиб, қайтиб кетаётган қизининг кўнглига она ҳақидаги халқ қўшиғи кўтаринки руҳ берди.

*Рўмолини дол ўраган,*
*Қайрилиб ҳолим сўраган...*

5

**Сайёра БЕКМИРЗАЕВА**

# Қаламдан томган жавоҳир

**ТЕРАН ИЛДИЗЛАР**

Ёзувчи Шукур Холмирзаев эсселари билан танишар экансиз, адиб ўзи ҳавас қилган ва "комилликка етган" дея ҳисоблаган инсонларни шу даражада оригинал таърифлайдики, ижодкорнинг сўз қўллаш маҳоратига тан берасиз. Бунга адибнинг "Абдулла Қаҳҳорни эслаб..." номли эссесини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.



Унда ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг кам, ихчам, лекин мазмунли ёзишини икки оғиз гап билан изоҳлаб қўйган: "Абдулла Қаҳҳор деганда, дарҳол унинг китобларини эслаб, жавонга қарайман. Дафъатан кўринмаса, синчиклаб боқаман. Кейин, кўнглим жойига тушади..." Дарҳақиқат, бу ўта холис, ўта ихчам, ўта ажойиб таъриф. Шу билан бирга, ёзувчининг "комил инсон"га, адабиётга берган нисбатини англаш мумкин: "комил инсон, комил адиб шундай бўлиши керакки, у қисқа, аммо мазмунли асар ёза олиши керак".

Ёзувчи эссе давомида беихтиёр ўзининг бир ҳаракати тимсолида "комиллик"нинг белгисини ифодалаб кетади, яъни Абдулла Қаҳҳордан олган мактубини эсга олади: "...Кўп дўстларим хатни кўриб, ҳаяжонга тушишди. Айрим домлаларим мени табриклашди. Лекин мен қандайдир ҳайронлик ичида юрдим: "Ўзлари шу ерда – Тошкентда яшасалар, нега хат ёзадилар?" деб ўйлардим баъзан... Баъзан ўша хатни қайта-қайта ўқиб: "Жавоб ёзсаммикан?" дердим-да, беихтиёр кулимсирардим. Эсимда бор: бир куни мен севган адиблардан бири Носир Фозиловга Абдулла Қаҳҳорнинг мактубини кўрсатдим: "Нима қилай?" дедим. Носир ака: "Э, шоир экансиз-ку! Дарров жавоб ёзинг! Бошим осмонга етди, деб ёзинг!" дедилар. Мен "хўп" деб кетдим-у, кўчага чиқиб яна ҳайрон қолдим. "Бошим осмонга етмаган-ку!" Бу калимани сўзма-сўз тушунганим йўқ, йўқ, мен, масалан, хурсанд бўлганимни бундай гап билан изҳор этолмаслигимни англадим. Йўқ, бу гап – менинг гапим эмас. Ёзсам ҳам, бошқача қилиб ёзаман... Бундан ташқари, мен, яна қасам ичиб айтаман, Абдулла Қаҳҳордан бундай мактуб олишдан унчалик фахрланмадим ҳам". Ҳа, бу жумлаларда ёзувчининг жўмардлиги, соддадиллиги, ҳақиқатгўйлиги, нафақат сўзи, қалами, балки юраги, қалбига ҳам сохталикни сиғдира олмаслиги акс этган. Табиийки, комил инсон шундай бўлиши лозим, сохталик унинг зоҳирий ва ботиний дунёсига буткул бегона бўлиши керак. Энди худди шу эсседаги бошқа бир жумлага эътибор қаратамиз. "...Ҳозир эса туриб-туриб ўйлайман: "Мана, ёшинг ҳам ўтяпти. Қандай ёзувчи бўлдинг – бу иккинчи масала. Бироқ сендан кейин адабиётга кириб келаётган ёшларнинг асарларини эринмай ўқияпсанми? Қайси бирига эринмай, ўз фикр-мулоҳазаларингни очиқ қилиб хат ёздинг?" дейман ўзимга..." Бу энди ёзувчининг Абдулла Қаҳҳор тимсолида комилликка берган таърифи. Бу таъриф шундай нозик, шундай буюк топилмаки, Шукур Холмирзаев ўзини танқид қилиш орқали Абдулла Қаҳҳорни кўкларга кўтаради. Эҳтимол, у "Абдулла Қаҳҳор адабиётга эндигина кириб келаётган ёшларга эринмай маслаҳат берарди", дейиши ҳам мумкин эди. Аммо бунда ўқувчи оддийроқ тасаввурга эга бўларди. Лекин ёзувчи "... Бироқ сендан кейин адабиётга кириб келаётган ёшларнинг асарларини эринмай ўқияпсанми? Қайси бирига эринмай, ўз фикр-мулоҳазаларингни очиқ қилиб хат ёздинг?" дейман ўзимга..." деган жумла битдики, уни ўқиган ўқувчининг кўз ўнгида беихтиёр Абдулла Қаҳҳорнинг ёш ижодкорларга катта эътибор бериши, уларни қўллаб-қувватлаши гавдаланади. Ўқувчи Абдулла Қаҳҳорнинг бу ижобий характерини ўқимайди, ҳис қилади, онгида жонлантиради. Бу эса, албатта, ёзувчининг маҳоратидан дарак. Демак, Шукур Холмирзаевнинг "адабиётча комил инсони" ёш авлодга, адабиётнинг ёш вакилларига холис кўмак берадиган ижодкордир.

Умуман, Шукур Холмирзаевнинг бошқа эсселарини ҳам ҳар гал ўқиганингизда ўзингиз учун янги дунё, янги маъно кашф этасиз. Адибнинг қаламидан томган янги томчилар тафтидан баҳраманд бўласиз. Беихтиёр Шукур Холмирзаевдек забардаст вакили бўлган адабиётга ҳавас қиласиз. Шунинг учун Шукур Холмирзаев ўз даврининг буюк ижодкори бўлган, шунинг учун ҳам Шукур Холмирзаев бугунги кун адабиётининг ёрқин шамчироғидир ва шунинг учун ҳам бундан юз, керак бўлса, минг йиллар кейин ҳам Шукур Холмирзаевни севиб ўқишади, уқишади.

**Ҳуррият АБДУЛЛАЕВА,**
**ЎзМУ талабаси**

# Ёрқин қиёфалар яратган актёр

**ХОТИРА — АЗИЗ**

Алишер болалигидан кино ихлосманди эди. Бўш вақти бўлди дегунча телевизор қаршисида ўтириб, фильм қаҳрамонлари билан бирга курашиб, хаёлан бирга яшарди. Айниқса, драматизмга бой саҳналари билан ҳиссиётларни жунбушга келтирадиган ҳинд фильмларини завқ билан томоша қиларди. Тақдир ҳукми экан, онаси у ва укаларини ёлғиз улғайтирди.

Алишер келажагини актёр сифатида кўрар, эл эътибори, назарига тушиб, шу орқали волидасини хушнуд қилишни истаганди. Ҳаёт унга шу орзуси рўёби учун имкон берди. Аввалига (Бухоро вилояти Когон туманида туғилиб ўсган) вилоят театрида ишлаб юрди. Сўнг, устозларининг маслаҳати ва ўз қизиқишлари уни пойтахтга йўллади.

1993 йилда санъат даргоҳи (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)га ҳужжат топширди. Республиканинг турли бурчидан келган тенгдошлари билан бирга имтиҳонларга тайёрланди.

— Алишер билан абитуриентлик вақтимиздаёқ дўстлашиб қолгандик, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Учқун Тиллаев. — Унинг тиришқоқлиги, бошлаган ишини охирига етказмагунча тин олмайдиган жиҳатларини жуда қадрлардик. Ниятимиз холис экан, имтиҳонлардан яхши ўтиб, ўқишга кирдик. Тўрт йил бирга ўқидик. Ўша даврдан Алишер театрларга бориб, қатнашиб юрарди. Бўривой Аҳмедовнинг асари асосида саҳналаштирилган "Амир Темур" диплом спектаклимизда илк бор у билан бирга роль ижро этгандик. Мен Амир Темур, у Яссавий образини талқин қилганмиз...

Илк уринишданоқ буюк тарихий шахслар образини яратиш ва бу орқали устозлар эътиборига тушиш ҳар бир бошловчи актёрга ҳам насиб этавермайдиган омаддир. Буни уддалаган ёш мутахассис ўзи орзу қилган санъат даргоҳидан ҳам, эл қалбидан ҳам эртароқ жой эгаллашга улгуради...

— Бир куни Алишер уйимга келиб, Учқун ака, сизни Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов сўрадилар (ўша пайтда у кичи театрга раҳбар эди). Миллий театрга бирга борарканмиз, деб қолди, — сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Эндигина ўқишни битирган биз каби ёшларни отахон театр дарғаларининг сўраб-суриштириши хаёлимга ҳам келмаганди. Омадимизга ишониб-ишонмай, эртасига ўша табаррук даргоҳга бирга бордик. "Қирол Лир" спектаклининг стол атрофидаги "читка"си бўлаётган экан. Жараёнда қатнашдик, иккаламизга ҳам бошқа актёрларга дублёр қилиб роль беришди. Бундан жуда мамнун бўлдик. Репитиция тугагач, бизга кадрлар бўлимига учрашинглар, дейишди. У ерда бизни янаям кутилмаган хурсандчилик қарши олди. Ҳужжатларимизни олиб, Миллий театр актёри сифатида расмийлаштиришди. Кейин Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов суҳбатларига кирдик. Устоз бизни табриклаб, маслаҳатларини бердилар. Ўша кун ҳаётимда Алишер Ҳамроев билан бирга ўтказган энг қувончли лаҳзалардан бири бўлиб қолди...

Улар кўплаб спектаклларда дублёр бўлиб роль ижро этди, турли образларни талқин қилишди. Икки дўст сиймосида "Бир кошона сирлари", "Шайтон ва фаришта", "Чўлпон", "Қирол Лир" каби саҳна асарларидаги қаҳрамонлар неча йиллар томошабин эътиборини жалб этди. Ўзбекистон халқ артистлари Турғун Азизов, Ёқуб Аҳмедов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Саидкомил Умаров, Эркин Комилов сингари кўплаб театр дарғалари бу иқтидор эгаларидан маслаҳатларини аямади. Улар санъат аталмиш мўъжизавий боғнинг ёш ниҳолларини меҳр билан парвариш қилдилар.

Актёр учун истеъдоддан ташқари бошқа зарур жиҳатлар ҳам бор: ташқи қиёфа, баланд бўй, кўркамлик... Бу жиҳатлар уларда мужассам эди. Шу боис ҳам режиссёрлар эътиборига тушиб, ҳар иккаласини қатор фильмларга таклиф қила бошлашди...



— Алишер талабалик вақтидаёқ нимадир ўрганай деб, ёнимизга, съёмка майдончаларига тез-тез келиб турарди, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, кинорежиссёр Ҳилол Насимов. — Одобли, фаросатли, бироз тортинчоқ йигит эди. Бир куни фильмларимизда ўйнаш истаги борлигини айтди. Унинг кинога яхши тушадиган ташқи қиёфаси туфайли ўзим ҳам бирор ролга таклиф этмоқчи бўлиб юргандим. "Ёдгор" фильмидаги Жўра образининг талқини ҳаммамизни мамнун этди. Дастлаб содда, гўл бўлган Жўра характеридаги сифатлар аста-секин ривожланиб боради. Алишер буни маҳорат билан ижро эта олди. "Остона", "Сардор" телесериалларида ҳам бирга ишладик. У ҳам ижобий, ҳам салбий образга тушадиган "типаж" эди. Уни касалхонага кўришга борганимда айтган сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди: "Ака, яна кинода ўйнагим келяпти", деганди. Сенга аталган роллар ҳали жуда кўп, албатта, ўйнайсан, деб далда бергандим. Ўша пайтда "Таҳдид" фильми устида ишлаётгандик, Азиз ролини унга атагандим. Афсус, умри қисқа экан... Унинг ўз ўрни бор эди, ҳозир, эҳ, Алишер бўлганда эди, деб қўмсаган пайтларим кўп бўлади. Шундай истеъдодли актёр илк ролларини мен суратга олган фильмларда ўйнаганидан хурсандман...

Ўзбек киносида ўчмас из қолдирган бетакрор актёрлар кўп. Уларнинг қай бири санъат шоҳсупасига аста-секин кўтарилган бўлса, бошқаси ушбу даргоҳга ёрқин юлдуз мисол чақнаб кириб келган. Ҳар бирининг ҳаёт йўли, услуби, қизиқишлари айрича бир олам. Уларнинг ўзи севиб тақлид қиладиган, ўзи учун идеал ҳисоблайдиган "кумир"лари бўлади. Алишер Ҳамроев ўзбек киноси дарғаларининг барчасини ўзига устоз деб билди. Шу билан бир қаторда, ҳинд актёри Акшай Кумар ижодига ҳавас билан қарар, у билан бир бор учрашишни, битта фильмда партнёр бўлиб роль ижро этишни орзу қиларди. Ҳинд фильмларига бўлган болалигидаги қизиқишлари улғайса улғайдики, асло камаймади. Кўпчилик уни Ҳиндистоннинг ана шу кино юлдузига ўхшаб кетишини такрор-такрор айтарди ҳам...

"Биз ўзбеклар ўзбек киноси довруғини ҳинд киносидай оламга таратмас эканмиз, халқимиз олдида қарздор бўлиб қолаверамиз. Алишер Акшай Кумарга ўхшаб кетади. Гавдаси, юз тузилиши, сочлари, кулишлари. Кўпинча Акшай Кумар ўйнаган фильмларни кўриб Алишер ҳам мана шундай ўйнай олармиди, дея хаёлан ҳар иккисини таққослаб кўраман ва таққослай туриб, уларнинг иккаласини бир-биридан адаштириб юбораман. Кинода Акшай Кумар ўйнаётган бўлса, кўз олдимда Алишер намоён бўлаверади ёки Алишер ўйнаган фильмларни кўриб, қаршимда Акшай Кумар пайдо бўлаверади..."

Бу сўзлар таниқли шоир Муҳаммад Исмоилнинг "Кечиккан мактуб" бадиасидан олинган. Унинг асари асосида саҳналаштирилган "Янги ой чиққан кеча" видеофильмида Алишер Ҳамроев Қосимхон ролини ижро этган. Аввалига салбий қаҳрамон сифатида намоён бўлиб, кейинроқ хатоларини тушуниб етадиган бу драматик образни Алишер катта маҳорат билан талқин этган. Нафақат ушбу видеофильм, балки "Ёдгор", "Дилхирож" бадиий фильмлари, "Гулхан атрофидагилар" кўп қисмли видеофильмидаги у яратган образлар кўпчиликка манзур бўлди.

(М.Исмоилнинг ушбу бадиасини истисно қилганда, қаҳрамонимиз ҳақида на театр, на интернетнинг тегишли сайтларида маълумот бор. "Кечиккан мактуб" Алишер Ҳамроев мухлисларига унинг қиёфасини тўлароқ очиб беришда асқотар, деган мақсадда ундан фойдаландик).

"Ҳиндистонга сафарларимдан бирида Алишер тушган фильмларни, унинг суратларини инглиз тилидаги биографияси ёзилган дискни ўзим билан бирга олиб кетдим, — дея давом этади М.Исмоил. — Мақсадим ҳинд киноларида унга роль ўйнатиш эди. Дастлаб бу орзуим хомхаёлдек туюлган эди. Унинг расмий ҳужжатларини, фотоальбомини Болливуд маъмуриятига топширганимда, менда ҳеч қандай ишонч йўқ эди. Минглаб одамларнинг ҳужжатлари орасида қумга тушган тилладек йўқолиб кетса керак, деб ўйлагандим. Лекин қайтганимда, бу шубҳаларни Алишерга билдирмай, жавобини кутайлик-чи, дея гапни қисқа қилгандим. Аслини олганда унинг юрагида ҳам, менинг юрагимда ҳам умид учқунлари милтираб турарди. "Мен у ерга тайёр сценарий билан бораман. Менга шундай бир сценарий ёзиб берингки, у буюк ва абадий мавзу — муҳаббат ҳақида бўлсин. Мен ўзбекнинг юраги нақадар улуғ эканини жаҳонга кўрсатай", деганди у"...

Ҳа, уларнинг юраги сезган эди, умид учқунлари бежиз милтирамайди, ахир. Болливуд Алишерни қабул қилди, уни кино шаҳарчасида кутишларини айтиб, хат жўнатишди. Минг афсуски, мактуб кечиккан эди. Ғаддор қисмат шуни раво кўрди. Ўзбек киносининг ёрқин юлдузи эрта сўнди. Ажабо, чақноқ юлдуз эрта сўнади, деган гап ёдга тушаверади...

Машъум тақдир туфайли юракларда қолган изни ўчириш осон эмас экан. Алишер ва Дилнавоз бир-бирларини ниҳоятда ардоқлашган, муҳаббатлари чексиз эди. Бир-бирини қаттиқ севганлар бири оламдан ўтгач, иккинчиси ҳам узоқ яшолмайди, деган гап бор. Таассуфки, бу ҳам тўғри бўлиб чиқди. Орадан уч йил ўтиб, суюкли аёли ҳам унинг ортидан кетди. Улардан ширингина икки фарзанд — Мадина ва Искандар қолди. Алишер аёлига айтгандек, бугун унинг дўстлари, яқинлари фарзандларига суянч, тоғдек таянч бўлиб келмоқда. Севимли актёримиз Учқун Тиллаев ана шундай масъулиятни зиммасига олган. Уларга ғамхўрлик қилишни бурчи деб билади, ютуқларидан кўнгли кўтарилиб, ташвишларига елка тутади. Алишер фарзандлари пойтахтда яшаб, шу ердаги мактабларда таҳсил олишини истаганди. Шукрки, унинг қизи ва ўғли отаси истагандек ҳаёт кечирмоқда.

***Алишернинг нурли сиймоси у яратган ўнлаб образларда ҳали узоқ яшайди. У орзу қилгандек Болливуд юлдузлари билан бир саҳнада роль ижро этадиган издошлари етишиб чиқади. Унинг руҳи эса кўк тоқидаги ёрқин юлдуз мисол нур сочиб, яқинлари, фарзандлари, мухлислари қалбида мангу қолажак...***

**Холида ФАЙЗИЕВА**

**ЗАМОНАМИЗ ЁШЛАРИ**

Мусиқада "сопрано" деган истилоҳ бор, у италянча сўз бўлиб, "энг юқорида" деган маънони англатади. Аниқроқ айтганда, аёллар ва болаларнинг энг юқори хонандалик овози шундай аталади.

# Истиқлолнинг истеъдодли фарзанди



Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси Азиза Ботирова билан суҳбатлашаётиб, хаёлимдан беихтиёр "ҳақиқий сопрано" деган фикр ўтди.

Йўқ, Азиза хонанда эмас, у фортепиано устаси. Бироқ ёш бўлишига қарамай, шунчалик кўп ютуқларга эришдики, унинг истеъдоди, бармоқларининг пианино клавишлари устида нозик, аммо чаққон ҳаракатларига боқиб, мен муболаға қилмаганимга сиз ҳам ишонасиз.

Кўплаб ютуқларга эришган ҳақиқий истеъдод соҳиблари сингари Азиза ҳам камтарин, самимий қиз. Ютуқлари ҳақида ҳадеб гапираверишни ёқтирмайди, аммо бизнинг: "Қайси мамлакатларда бўлгансиз, қандай танловларда қатнашгансиз?" деган саволимизга жавоб бериш асносида, ҳеч нарсани яшира олмайди.

— 2011 йилда Италиянинг Ситта ди Барлетта шаҳрида ўтказилган халқаро танловда қатнашганман, — дейди у. — Илк бор хорижга чиқишим, халқаро танловда иштирок этишим эди...

Ўшанда Азиза қатнашаётган танловда мезбонлардан ташқари Хитой, Россия, Руминия каби мамлакатлардан келган ёшлар ҳам ўз истеъдод ва маҳоратини кўрсатаётган эди. Улар ҳам, албатта, Италиядек гўзал диёрнинг табиатидан баҳра олиш, унинг қадимий шаҳарларини томоша қилиш учун боришмаган эди, албатта. Ҳар бирининг кўнглида ғолиблик иштиёқи бўлганини ҳис этиш қийин эмас. Бироқ кўплаб тенгдошлари орасида 11 яшар ўзбек қизининг санъати барчани лол қолдирди. У иккинчи ўринни эгаллади.

Айрим тенгдошларимизда бир камчилик кузатилади. Улар кичкина ютуққа эришсалар ҳам, шошиб қоладилар, кўплари изланишдан, ўрганишдан тўхтайди. Азизанинг омади шундаки, у ҳақиқий профессионал ўқитувчилардан сабоқ олади. Улар шогирдларини ҳамиша олдинга интилишга даъват этиб, керакли билим ва иштиёқ бера оладилар.

Уларнинг ўгитлари Азизани янги-янги марраларни забт этишга илҳомлантирди.

2012 йил — Францияда ўтказилган Халқаро танловда 1-ўрин, 2013 йил Италияда уюштирган "Pianofortissimo" халқаро танловининг 2 та номинациясида Гран-при соҳибасига айланди. 2014 йилда Италияда ўтказилган "Premio Spesifle Paolo Serrao" номли танловда 2-ўринни олди. 2015 йил Ўзбекистон давлат консерваториясида Элдор Азимов раҳбарлигидаги камер оркестрининг солисти сифатида ўз концерт дастурини намойиш этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

— Зулфия номидаги давлат мукофотига муносиб кўрилганим мен учун катта бахт, — дейди Азиза Ботирова. — Бу юртимизда ёшларга билдирилаётган ишончни англатади. Энди бу ишонч ва рағбатларга жавобан янада кўпроқ изланиб, Ўзбекистон фарзандлари ҳар соҳада ҳеч кимдан кам эмаслигини катта саҳналарда намойиш этиш истагидаман.

Дарвоқе, эндигина ўн олти ёшга тўлган Азиза мусиқага оид китоблардан ташқари, бадиий асарларни ўқишни яхши кўради. Инглиз ва рус тилларида гаплаша олади, бу тиллардаги адабиётларни ҳам бемалол ўқийди. Бу эса унинг имкониятларини янада кенгайтиради.

Ҳавас қилса арзигулик муваффақиятлар, шундай эмасми? Ҳаракат қилсангиз, сиз забт этолмайдиган чўққилар ҳам йўқ, азиз тенгдошлар, тўғрими?

**Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

**НОМОДДИЙ МЕРОС**

Хоразм азалдан мамлакатимизнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлган. Бугун ҳам воҳанинг беқиёс анъаналари, хусусан, халфачилик санъати мухлисларни ўзига мафтун этиб келмоқда.

## ХОРАЗМДА ХАЛФАЧИЛИК АНЖУМАНИ



Халфачилик, асосан, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг айрим туманларига хос бўлган қўшиқчилик санъатидир. Бир неча минг йиллик тарихга эга халфачилик тахминан ўрта асрларда ижро санъати сифатида, XX асрларда эса жўровозлик санъати сифатида шаклланган. Халфаларнинг асосий чолғу асбоби гармон Хива хони Муҳаммад Раҳимхони соний даврида кенг тарқалди. Халфалик ансамблларида, асосан, уч киши ижод қилган. Хоразм халқ оғзаки ижоди намуналарининг бизгача етиб келишига халфалар катта ҳисса қўшган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 7 октябрда тасдиқланган "2010—2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастури" доирасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-методик маркази томонидан аждодларимизнинг номоддий маданий меросини ўрганиш, тиклаш, халқ ижоди анъаналарини тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Шу кунларда Марказ жамоаси Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида "Халфачилик: анъана ва замонавийлик жиҳатлари" мавзусида соҳа мутахассислари, олимлар, тадқиқотчилар иштирокида Республика илмий-амалий анжумани ва шу билан бирга халфа қўшиқлари ижрочиларининг кўрик-танловини ўтказиш учун ҳозирлик кўрмоқда. Ҳар икки тадбир ҳам 3 июнь куни Хива шаҳрининг Ичан қалъа мажмуасида бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Тадбир тадориги юзасидан Марказнинг етакчи мутахассиси Ҳилола Хўжаева бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Илмий анжуманга халфачилик санъати йўналишида изланишлар олиб бораётган етук олим ва мутахассислар, кўрик-танловга Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм воҳасида халфачилик билан шуғулланаётган моҳир халфалар таклиф қилинган. Тадбирларнинг бир кунда ўтказилишидан кўзланган мақсад ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиб, келгусида бажарилиши лозим бўлган ишларнинг режасини тузишдан иборат. Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳасида халфа қўшиқчилиги йўналишида ижод қилаётган ёшлар кўп. Бундан ташқари кўплаб ёш мутахассислар халфачилик мавзусида илмий изланишлар олиб бораяпти. Улар ҳам тадбирларимизда иштирок этади. Кўрик-танловда ёш ижрочи халфалар учун алоҳида номинация белгиланиб, мукофотлар билан тақдирлаш, илмий анжуманда илмий изланишларини кўрсата олган ёш олим ва мутахассисларнинг маърузаларини алоҳида китоб ҳолида чоп эттириш "мазкур анжуман ва фестиваль "Олтин мерос" халқаро хайрия жамоат фонди, Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида уюштирилмоқда.

**Сухроб ЗИЁ**

# ШАХМАТДА САНЪАТ МУЖАССАМ

**СПОРТ**

Юртимизда ақл гимнастикаси — шахматни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу спорт турига юксак эътибор натижасида шахматчиларимиз жаҳон ва қитъа чемпионати, халқаро мусобақаларда совриндорлар қаторидан жой олаяпти. Мамлакатимизда шахмат кеча пайдо бўлгани йўқ. Азалдан аждодларимизнинг севимли машғулотларидан бўлган шатранж ўйини шоҳ саройларида ҳам эъзозланган. Узоқ ўтмишдан мерос — шахмат ўйини айниқса, мустақиллик йилларида жадал оммалашди.



2004 йилда ватандошимиз Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпиони деган юксак номга сазовор бўлиши халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистон шахмат мактабига бўлган муносабатни бутунлай ўзгартирди. Бугунги кунда мамлакатимизда Рустам Қосимжоновга ҳавас қилиб шахматни танлаган ёшлар минглаб топилади. Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмасликларини спортнинг мазкур турида ҳам намоён этиб келаётгани фахру ифтихоримизни оширади, албатта. Жумладан, 8, 9, 10 ёшли фарзандларимизнинг Жаҳон ва Осиё чемпиони бўлаётгани замирида юксак эътибор ва қўллаб-қувватлаш мужассамлигини эътироф этиш жоиз.

Шунингдек, мамлакатимиз, айниқса, пойтахтимиз Тошкентда ҳар йили йирик шахмат турларининг ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон жаҳонда шахмат мамлакати сифатида ном қозониб бўлди.

Шу кунларда пойтахтимиз шахмат бўйича қитъамизнинг йирик турнирларидан бири минтақавий Осиё чемпионатига мезбонлик қилаяпти.

Чемпионат ташкилий қўмитасининг маълумотига кўра, мазкур мусобақада қитъамизнинг 20 дан ортиқ давлатидан 130 га яқин шахмат усталари дона суришади. Улардан 37 нафари халқаро гросстмейстерлар, 20 нафари халқаро шахмат усталари ҳисобланади.

Фурсатдан фойдаланиб биз ташкилий қўмита аъзоси, "Сеҳрли шахмат" клуби бош директори Рустамжон Маматқуловнинг юртимизда болалар шахматини ривожлантириш борасидаги ишлар ҳамда Осиё чемпионати тафсилотлари ҳақидаги фикрларини сўрадик.

— Чемпионатни юқори савияда ўтказиш учун ҳукуматимиз ва Ўзбекистон Шахмат федерацияси раҳбарияти томонидан кенг кўламли ишлар бажарилди. Барча ташкилий ишлар халқаро даражада бўлиши таъминланди. Мусобақада Осиёнинг энг кучли гроссмейстрлари иштирок этмоқда. Бу ўз-ўзидан мусобақага бўлган эътиборни янада ошираяпти. Турнирда 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, Марат Жумаев, Жаҳонгир Воҳидов, Темур Игонин, Нодирбек Якуббаев, Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Меҳриддин Йўлдошев, Музаффаржон Эминжонов, Акмал Файзуллаев, Гулруҳбегим Тоҳиржонова, Нодира Нодиржонова, Баҳора Абдусатторова, Ситора Сапарова каби халқаро мусобақаларда ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган шахматчилар иштирок этишмоқда. Айтиб ўтиш керакки, чемпионатда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган аксарият шахматчилар бизнинг "Сеҳрли шахмат" клубимиз аъзолари ҳисобланади. Шу ўринда клубимиз фаолиятига ҳам тўхталсам. Муассасамиз мамлакатимиздаги қалдирғоч шахмат клуби ҳисобланади. У 2009 йилда ташкил этилган.

Мактабда дарслар халқаро талаблар ва дастурлар асосида олиб борилади. Бизда айни пайтда Рустам Қосимжоновнинг "Сеҳрли шахмат олами" китоби, таниқли халқаро гроссмейстрлар томонидан яратилган олтита электрон дастур бор. Бу болаларга шахматни индувидиал ўргатишда жуда қўл келаётир. Яна бир гап, шахмат клуби ташкил этиб даромад олиш имкони йўқ. Спортнинг шахмат турида бизнес қилишни ўйлаганлар хато қилишади. Мўмай даромад олиш истагида хусусий шахмат кулбларини очганлар ҳам бўлди. Бундан даромад қилиб бўлмаслигини тушуниб, уларнинг аксарияти бугунги кунда фаолиятини тўхтатган.

Шу маънода бу клубни очишдан мақсадимиз, ёш шахматчиларни тарбиялаш, шахматчи-мураббийларни иш билан таъминлаш, мамлакат миқёсидаги турнирларни ва халқаро мусобақаларни ташкил этиш эди. Ҳозирда клубда олти нафар шахматчи иш билан таъминланган. Улар орасида шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийи ҳам бор. Клуб аъзолари сони айни пайтда 598 нафарга етди. Шулар орасидан беш нафари ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпиони, 20 нафардан ортиқ Осиё чемпиони, 50 нафари эса Ўзбекистон чемпиони бўлган. Мамлакатимизнинг биринчи рақамли шахматчиси Рустам Қосимжонов ҳам клубнинг фахрий аъзоси ҳисобланади. У Тошкентга келганида албатта, бу ерга келиб ёш шахматчилар билан суҳбатлашади, мастер-класслар ўтказади. Шунингдек, ҳозирги пайтда жаҳон тожига даъвогарлик қилаётган россиялик Сергей Карякин ҳам клубнинг фахрий аъзосидир. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги кучли шахматчилар, ҳатто Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон вакиллари ҳам клубимизга аъзо бўлиш учун мурожаат қилишяпти.

Клубга болалар тўрт ярим, беш ёшдан қабул қилинади. Юртимизда шахматга қаратилаётган эътибор натижасида ота-оналарнинг ўзлари болаларини клубга етаклаб келишаяпти. Очиғи, шахматга болани мажбурлаб қизиқтириб бўлмайди. Қизиқиш, иштиёқ унинг ўзида бўлиши керак. Шундай болаларни биламан. Жуда иқтидорли. Шахматни ўрганишга иштиёқи жуда баланд. Ҳолбуки, уларнинг ота-онасидан ҳеч бири умрида шахмат ўйнамаган. Мураббийларимиз биринчи навбатда боланинг ҳаракатига, қизиқишига, фикрлаш қобилиятига эътибор қаратади. Клубимизга келаётган болаларнинг ота-оналарига уйда ҳам болалар билан шуғулланишни тавсия этаяпмиз. Бола ҳар куни камида уч соат вақтини шахматга ажратиши керак. Масалан, бир соат китоб ўқисин, бир соат шахмат ўйнасин, кучли гроссмейстрлар ҳаёти билан танишсин. Мамлакатимиз ёш шахматчилари сўнгги уч йилда дунёда катта ўсишга эришди. Шахмат олами вакиллари яқин икки-уч йилда биздан янги жаҳон чемпионлари чиқишига ишонмоқда.

Шахмат — ақл-тафаккур ўйини. Унда ютишга, мағлуб этишга хоҳиш бор. Бу томондан қаралганда шахмат — спорт. Рақибни тахта устидаги фигуралар ёрдамида сиқувга олиш, ҳужум қилиб, рақибни ўйлантиришга, мураккаб позициядан чиқиш учун мушоҳада юритишга ундаш каби элементлар санъатдан дарак беради. Шахматни математика десак ҳам тўғри эмас. Шахматни ҳар ким ўзича талқин қилади. Юқорида айтганимдек, кимгадир у спорт, кимларгадир санъат ёки математика. Буларни шахмат ўзида мужассам этгани учун ҳам халқ уни яхши кўради, жону дили билан ўйнайди.

Шахмат ўйинида ҳам ўзгаришлар борлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Авваллари рақиблар бир-бирига "фарзин", "шоҳ" каби сўзларни ишлатишар эди. Энди бундай атамалар профессионал шахматчилар дона сураётганда айтилмайди. Чунки, қайси йўлдан юришни мулоҳаза қилаётган рақибни бундай майда элементлар билан чалғитиш юксак иқтидорларга хос эмас. Улар қайси юришда, қандай вазиятга тушиб қолишларини олдиндан биладилар. Шуни газетхонларга етказиш бизнинг вазифамиздир.

Мамлакатимизда оилавий шахматчилар сулолалари ҳам кўпайиб бормоқда. Мисол учун Ҳамроқуловлар сулоласи юқори натижаларни қайд этишган. Мўминов, Тоҳиржонов, Синдоров, Абдусатторовлар каби сулолавий шахматчиларнинг қайд этаётган натижаларидан эса барчамиз хурсандмиз.

Пойтахтимиз мезбонлик қилаётган Осиё чемпионатида иштирок этаётган барча вакилларимиздан юқори натижа ва чиройли комбинацияларни кутиб қоламиз. Барчасига омад ёр бўлсин.

**Суҳбатни Жобир ХЎЖАҚУЛОВ ёзиб олди.**

Reklama

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака" банк

*яқинлашиб келаётган "Мустақиллик куни" байрами муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:*

"МУСТАҚИЛЛИК-25"

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

**Сизнинг омонатларингиз:**
- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |



Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

«Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган

## Улуғлар сабоғи

### ОМОНАТ ҲАҚИДА

*Кимнингдир моли сенинг қўлингда тургани, ўша мол сеники бўлди дегани эмас. У қайтарилмоғи керак.*

***Маҳмуд Қошғарий***

*Мол зиқналарнинг, қурол қўрқоқларнинг, раҳбарлик заифларнинг қўлига тушса, ишлар бузилади.*

***Абу Бакр Сиддиқ***

### ДЎСТЛИК ВА ДУШМАНЛИК ҲАҚИДА

*Ўзингга содиқ дўстлар танла, улар паноҳида яшайсан, чунки улар кенгчиликда зийнат, қийинчиликда қалқондирлар.*

***Умар ибн Хаттоб***

***

*Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат,*
*Ким улфатдир, боши узра минг бир кулфат.*

***Аҳмад Яссавий***

***

*Ҳар қанча яхшилик кўрсатилганда ҳам, душманнинг қўлидан душманликдан бошқа иш келмайди.*

***Абдураззоқ Самарқандий***

### КАМТАРИНЛИК ҲАҚИДА

*Пасткаш кимсанинг ўз насл-насабини мақтаб, у билан фахрланиши чанқоқ кишининг саробни кўриб алдангани кабидир.*

***Абулқосим Замахшарий***

***

*"Мен камтарман" деган одамни камтар экан деб ўйламанг.*

***Асқад Мухтор***

***

*Ўз хислатларини кўп гапирадиган киши кўпинча яхши одам бўлиб чиқмайди.*

***Жавоҳарлаъл Неру***

HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*

Адади: 4200 Буюртма — S-6093 1 2 3 4 5

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*

**Телефон:** (0-371) 244-32-68, 244-32-88
**Тел-факс:** (0-371) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг бўлими:** (0-371) 244-32-91
**Самарқанд:** (0-366) 233-62-12

**Топшириш вақти** — 20⁰⁰ **Топширилди** — 20⁰⁰

ISSN 2010-7528

*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Манзилимиз:** 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор* Фахриддин Раҳимов *томонидан саҳифаланди.*
**Навбатчи:** Муҳаммадали Мамадалиев
**"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.**
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**